Ечиш. Масаланинг ечими $y(t) = 2^t - (-4)^t$ бўлади. Ёки Охирги тенгликдан кўринадики, t ўсиб борган сари $y(t)$ ифода мусбат ва манфий $\rightarrow \infty$ ийматларни қабул қилади, ва бу $\rightarrow \infty$ ийматлар модул бўйича чексиз ўсиб боради. Демак, ечим ўсувчи амплитуда билан тебранувчи бўлар экан.

5.5. Бизнес цикллари

Юзорида келтирилган динамик моделлар айрим ҳолларда тебранувчи характерга эга эканлигини кўриб ўтдик. Иқтисодий ўзгаришларни тўлқинсимон кўринишдаги ривожланишига тегишли $\rightarrow \infty$ онуниятларни топиш иқтисодчилар этиборини доимо жалб қилиб келади. Бу муаммо *бизнес-цикл* (business cycle) муаммоси деб юритилади.

Фараз қилайлик, t -йилда миллий даромад $Y(t)$

$$Y(t) - (b + \nu)Y(t-1) + \nu Y(t-2) = c + i, \quad b > 0, \nu > 0$$

рекуррент тенглама билан аниқлансин. (1)га мос характеристик тенгламанинг ечимларини аниқлашда 3та ҳолни кўриб чиқамиз:

1) $(b + \nu)^2 > 4\nu$. У ҳолда

$$z_1 = \frac{(s + \nu) - \sqrt{(s + \nu)^2 - 4\nu}}{2}, \quad z_2 = \frac{(s + \nu) + \sqrt{(s + \nu)^2 - 4\nu}}{2}.$$

Кўриниб турибдики, $0 < z_1 < z_2$. (1) тенламанинг умумий ечими

$$Y(t) = Y^* + A_1 z_1^t + A_2 z_2^t \quad (2)$$

тенглик билан ифодаланади, бу ерда хусусий ечим $Y^* = \frac{c+i}{1-b}$ муносабатни бош=ача кўринишда ифодалаймиз:

$$Y(t) = Y^* + z_2^t \left(A_1 \left(\frac{z_1}{z_2} \right)^t + A_2 \right) \quad (3)$$

Бу ердан ва=т ўтиши билан $Y(t)$ нинг =ийматларини $Y^* + A_2 z_2^t$ ифода =ийматлари билан алмаштириш мумкинлиги келиб чи=ади. Ани=ро'и, агар $A_2 = 0$, бў'лса, $Y(t) \approx Y^*$; $A_2 > 0$, ($A_2 < 0$) бў'лса, $Y(t)$ чексиз катталашади (кичиклашади).

2) $(b + \nu)^2 = 4\nu$. Бунда тенглама ечими =уйидагича бў'лади:

$$Y(t) = Y^* + (A_1 t + A_2) z^t, \quad (4)$$

бу ерда $z = \left(\frac{s + \nu}{2} \right)^t$. t нинг катта =ийматларида $Y(t)$ $Y^* + A_1 z_1^t$ га я=инлашади ва A_1 нинг =ийматига =араб: $A_1 = 0$, бў'лса, $Y(t) \approx Y^*$; $A_2 > 0$, ($A_2 < 0$) бў'лса, $Y(t)$ чексиз катталашади (кичиклашади).

3) $(b + \nu)^2 > 4\nu$. Бунда тенглама ечими =уйидагича бў'лади:

$$Y(t) = Y^* + r^t (A_1 \cos \varphi + A_2 \sin \varphi) \quad (5)$$

бу ерда $r = \sqrt{\nu}$, $\cos \varphi = \frac{b + \nu}{2r}$. Бу ҳолатда ечимнинг тебранувчан бў'лиши ν -акселерация коэффициентига бо'ли=лиги 5.4 бў'лимда кўрсатилди.

Шундай =илиб, биз кўриб чи==ан миллий и=тисод моделида бир нечта турдаги ҳолатлар мавжуд бў'либ, уларнинг энг эътиборлиги параметрларнинг баъзи =ийматларида жараённинг тебранувчан хусусиятга эга бў'лишидир. Хусусан, $(b + \nu)^2 > 4\nu$ бў'лганда миллий даромад $Y(t)$ тебранувчан характерга эга, ва $\nu > 1$ бў'лганда, ўсувчи амплитуда билан тебранади, $\nu < 1$ да эса камаювчи амплитуда билан $(c + i)/(1 - b)$ =ийматга я=инлашади.

Асосий мавзулар

- асосий макрои=тисодий =арашлар
- мувозанатли миллий даромадни ҳисоблаш
- ўсишнинг макромоделли
- иккинчи тартибли биржинсли чизи=ли рекуррент тенгламанинг умумий ечими
- иккинчи тартибли биржинсли бўлмаган чизи=ли рекуррент тенгламанинг умумий ечими
- бошлан\ич шартлардан фойдаланиш
- мультипликатор-акселератор модели
- мультипликатор-акселератор тенгламаларнинг ечимлари
- бизнес-цикллар

Таянч иборалар, формулалар

- инвестиция, I ; ишлаб чи=ариш, Q ; даромад, Y ;

истеъмол, C

- мувозанат, $Q = Y, Y = C + I$

- самарали талаб, $D = C + I$

- истеъмолга о\иш коэффициенти, c ($C = cY + a$)

- мувозанатли миллий даромад, $Y_m = \frac{1}{1-c}(a + I)$

- мультипликатор, $\frac{1}{1-c}$

- ўсишнинг макромоделли, $\dot{x} = sf(x) - nx$

- ўсиш суръати, $n = \frac{sf(x^*)}{x^*}$

- иккинчи тартибли биржинсли чизи=ли рекуррент

тенлама, $y(t) + py(t-1) + qy(t-2) = 0$

- характеристик тенлама, $z^2 + pz + q = 0$

- характеристик ечимларга бо\ли= биржинсли

тенламанинг ечими:

иккита ҳар хил ечимлар, $z_1, z_2 : y(t) = A_1 z_1^t + A_2 z_2^t$

битта ечим, $z_0 : y(t) = (A_1 t + A_2) z_0^t$

ечим йў=: агар $r = \sqrt{q}$ ва $\cos \theta = -\frac{p}{2r}$ бўлса, $y(t) = r^t (A_1 \cos \theta + A_2 \sin \theta)$

- бошлан\ич шартлар, y_0, y_1
- биржинсли бўлмаган тенглама ечими: хусусий ечим

биржинсли тенламанинг умумий ечими

• $y(t) + py(t-1) + qy(t-2) = k$ нинг ечими: $y^* = \frac{k}{1+q+p}$

- динамик кўрсаткичлар, $I(t), Q(t), Y(t), C(t)$
- мультипликатор-акселератор модели,
 $C(t) = c + bY(t-1), I(t) = i + v(Q(t-1) - Q(t-2))$
- бизнес-цикл муаммоси

Саволлар

- Чизи=ли талаб функциясида (5.1, (3)) ($0 < c < 1$) шартни изоҳлаб беринг.
- Динамик и=тисод моделда 3 нчи ҳолатда $v = 1$ бўлганда, =андай тебраниш ҳосил бўлади?

Маш=лар

1-маш=. $y(t) - 8y(t-1) + 16 = 0$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг.

2-маш=. $y(t) - 8y(t-1) - 9 = 0$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг.

3-маш=. $y(t) + 2y(t-1) + 3 = 0$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг.

4-маш=. $y(t) + y(t-1) - 12 = 0$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг
ва $y_0 = 0, y_1 = 2$ бошлан\ич шартларни =аноатлантирувчи хусусий ечимни ани=ланг.

5-маш=. $y(t) - 2y(t-1) + 5 = 0$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг
ва $y_0 = 0, y_1 = 5$ бошлан\ич шартларни =аноатлантирувчи хусусий ечимни ани=ланг.

6-маш=. $y(t) - 9y(t-1) + 20 = 18$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг.

7-маш=, $y(t) + 4y(t-1) + 4 = 12$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг
 ва $y_0 = 1, y_1 = 11$ бошлан\ич шартларни =аноатлантирувчи хусусий ечимни
 ани=ланг.

8-маш=, $y(t) + 2y(t-1) + 3 = 5$ рекуррент тенгламанинг умумий ечимини топинг
 ва $y_0 = \frac{1}{2}, y_1 = \frac{5}{2}$ бошлан\ич шартларни =аноатлантирувчи хусусий ечимни
 ани=ланг.

9-маш=, +уйидаги тенгламалар соддалаштирилган и=тисод моделига тегишли:

$$C(t) = \frac{2}{5}y(t-1), I(t) = 25 + \frac{1}{5}(Q(t-1) - Q(t-2))$$

Ҳа нисбатан рекуррент тенламани тузинг ва $y_0 = 12, y_1 = 25$ бошлан\ич
 шартларни =аноатлантирувчи хусусий ечимни ани=ланг. Ечимни изоҳлаб
 беринг.

6 боб. Тармо=лараро баланс моделлари

Режа:

6.1. Кўп тармо=ли и=тисод

6.2. Харажат коэффициентларини ҳисоблаш

Асосий мавзулар

Таянч иборалар, формулалар

Саволлар

Маш=лар

6.1. Кўп тармо=ли и=тисод

4-бобда икки тармо=ли и=тисод моделини ўрганган эдик. Энди кўп тармо=ли и=тисодда тармо=лараро баланс моделини кўриб чи=амиз. Бунда n та бир-бирига бо\ли= бўлмаган ишлаб чи=ариш тармо=лар ўрганилади. Ҳар бир тармо=да маҳсулот ишлаб чи=ариш учун бош=а тармо=даги маҳсулотлардан фойдаланишга тў\ри келади (ички истеъмол). Бу моделни “ишлаб чи=ариш – сарфлаш” модели (input-output) деб юритиш мумкин. Моделга машхур и=тисодчи Василий Леонтьев асос солди (В.Леонтьев 1973 йили и=тисод соҳасида Нобел мукофоти лауреати бўлган).

$$\begin{cases} x_1 = 0,7x_2 + 0,6x_3 + 40000000 \\ x_2 = 0,2x_1 + 0,1x_2 + 0,1x_3 + 15000000 \\ x_3 = 0,25x_1 + 0,05x_2 + 20000000 \end{cases}.$$

Бунда технологик матрица $A = \begin{pmatrix} 0 & 0,7 & 0,6 \\ 0,2 & 0,1 & 0,1 \\ 0,25 & 0,05 & 0 \end{pmatrix}$, $S = \begin{pmatrix} 40000000 \\ 15000000 \\ 20000000 \end{pmatrix}$,

Леонтъев матрицаси $I - A = \begin{pmatrix} 1 & -0,7 & -0,6 \\ -0,2 & 0,9 & -0,1 \\ -0,25 & -0,05 & 1 \end{pmatrix}$.

Бундан $(I - A)^{-1} = \begin{pmatrix} 1,49 & 0,38 & 0,39 \\ 1,22 & 1,42 & 0,54 \\ 1,02 & 0,37 & 1,27 \end{pmatrix}$ ва

$$X = (I - A)^{-1}S = \begin{pmatrix} 73100000 \\ 80900000 \\ 71750000 \end{pmatrix}.$$

Демак $x_1 = 73,1$ млн. сўм, $x_2 = 80,9$ млн. сўм, $x_3 = 71,75$ млн. сўм.

6.2. Харажат коэффициентларини ҳисоблаш.

Ю=орида кўрилган A матрица коэффициентларини *бевосита харажат коэффициентлари* дейилади. Бу коэффициентлар бирор бир тармо=нинг бир бирлик маҳсулотини ишлаб чи=ариш учун барча тармо=лардаги маҳсулотлар сарфини ифодалайди. Масалан, j -нчи тармо=да 1 бирлик маҳсулот ишлаб чи=ариш учун $a_{1j}, a_{2j}, \dots, a_{nj}$ маҳсулотлар зарур бўлади. Табиийки,

$\sum_{i=1}^n a_{ij} < 1, j = \overline{1, n}$. Бу тенгсизликнинг и=тисодий маъноси шундан иборатки, 1 сўмлик ихтиёрий j маҳсулот учун кетган барча тармо=лардаги маҳсулотлар

ҳажми 1 дан кичик бўлади. Ю=оридаги тенгсизлик эса $\sum_{j=1}^n A^j, A^0 = I$ матрицавий =аторни я=инлашувини таъминлайди.

Ўз навбатида, бу маҳсулотларнинг ҳар бирини ишлаб чи=ариш учун яна барча тармо=лардаги маҳсулотлар сарфланади. Бу билвосита харажатлар $A^* A = A^2$ матрицани ташкил =илади.

2-мисол. Бевосита харажат коэффициентлари матрицаси: $\begin{pmatrix} 0 & 0,4 \\ 0 & 0,5 \end{pmatrix}$ бўлсин.

Бунда $\begin{pmatrix} 0,4 \\ 0,5 \end{pmatrix}, \begin{pmatrix} 0,6 \\ 0,7 \end{pmatrix}$ векторлар 1-нчи ва 2-нчи маҳсулотларни ишлаб чи=ариш учун маҳсулотлар харажати ифодалайди. Ўз навбатида бу маҳсулотларни ишлаб

чи=ариш учун мос равишда 1 ва 2- маҳсулотлардан =уйидаги ҳажмда харажат зарур бўлади:

$$\begin{pmatrix} 0.4 & 0.6 \\ 0.5 & 0.8 \end{pmatrix} \cdot \begin{pmatrix} 0.4 \\ 0.5 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0.4 \cdot 0.4 + 0.6 \cdot 0.5 \\ 0.5 \cdot 0.4 + 0.8 \cdot 0.5 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0.46 \\ 0.60 \end{pmatrix},$$

$$F^* = \frac{3}{1.5} = 2 \cdot \begin{pmatrix} 0.6 \\ 0.8 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0.4 \cdot 0.6 + 0.6 \cdot 0.8 \\ 0.5 \cdot 0.6 + 0.8 \cdot 0.8 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0.72 \\ 0.94 \end{pmatrix}.$$

Бу векторлар =уйидаги матрицани ташкил этади:

$$\begin{pmatrix} 0.46 & 0.72 \\ 0.60 & 0.94 \end{pmatrix} = A^2$$

Бундан, масалан, биринчи маҳсулотнинг бир бирлигини ишлаб чи=ариш учун иккинчи маҳсулотнинг билвосита харажати 0.60 га, иккинчи маҳсулотнинг бир бирлигини ишлаб чи=ариш учун биринчи маҳсулотнинг билвосита харажати 0,72 га тенглиги келиб чи=ади.

Шунга ўхшаш мулоҳазаларни давом эттириб, билвосита харажатлар учун A^3 , A^4 ва ҳоказо матрицаларни ташкил =илиш мумкин. Бу жараён тўли= харажатлар тушунчасига олиб келади. Барча бевосита ва билвосита харажатлар йи\индиси *тўли= харажатлар* дейилади.

Тўли= моддий харажат коэффициентлари матрицаси C =уйидагича ани=ланади:

$$C = A + A^2 + A^3 + \dots$$

Бу =аторнинг чеклилигини ани=лаш учун $B = I + C$ матрицани киритамиз, бу ерда I -бирлик матрица, C -тўли= моддий харажатлар матрицаси. У ҳолда

$$B = I + C = I + \sum_{k=1}^{\infty} A^k = \sum_{k=0}^{\infty} A^k$$

матрицали =атор ҳосил бўлади. Ю=оридаги A матрица ҳа=идаги айтилганларга биноан, B матрица Леонтьев матрицасининг тескараси билан устма-уст тушганини кўрамиз, ва 6.1-бўлимдаги таҳлилга кўра B матрица ва, демак, C матрица ҳам маънога эга бўлади.

Асосий мавзулар

- ишлаб чи=ариш.
- Сарфлаш.
- моделини тузиш.
- модел ечимини топиш.
- ечимнинг мавжуд ва ягоналиги таҳлили.
- харажат коэффициентларини ҳисоблаш.

Таянч иборалар, формулалар

- ишлаб чи=ариш сарфлаш-моделли, $X = AX + S$
- технологик матрица, $A = (a_{ij})$
- Леонтьев матрицаси, $L = I - A$
- ечим мавжуд ва ягоналигининг етарли шarti, $\sum_i a_{ij} < 1$

бевосита харажатлар коэффициентлари, a_{ij}

- тўли= харажатлар матрицаси, $C = A + A^2 + A^3 + \dots$

Саволлар

- Нима учун тармо=лараро баланс моделини “ишлаб чи=ариш-сарфлаш-моделли дейилади ?
- Таш=и истеъмол режалаштирилмаган бўлса, =андай масала ҳосил бўлади ?
- Тўли= харажатлар деб нимага айтилади?
- $\sum_i a_{ij} < 1 \quad j = 1, 2, \dots, n$

шартни и=тисодий шарҳи =андай?

Маш=лар

1-маш=. Ишлаб чи=ариш сарфлаш модели икки секторли и=тисодиёт учун =уйидаги матрица билан ифодаланган бўлсин:

$$A = \begin{pmatrix} 0,5 & 0,3 \\ 0,1 & 0,4 \end{pmatrix}.$$

Модел тенгламаларини таш=и истеъмол S ва ишлаб чи=ариш ми=дорлар X га нисбатан тузинг ва ечимларини топинг.

2-маш=. Корхона 2 хил маҳсулот: M_1 ва M_2 ишлаб чи=мо=да. 1 сўмлик M_1 маҳсулот ишлаб чи=ариш учун 0,25 сўмлик M_1 ва 0,15 сўмлик M_2 маҳсулотлар сарфланади. 1 сўмлик M_2 маҳсулот учун 0,1 сўмлик M_1 ва 0,2 сўмлик M_2 маҳсулотлар сарфланади. Бозордаги маҳсулотларга бўлган талаб маълум давр учун 600000 сўмлик M_1 ва 400000 сўмлик M_2 маҳсулотлар ми=дорини ташкил этади. Бозор талабини =ондирадиган маҳсулотлар ишлаб чи=ариш ҳажминини ани=ланг.

3-маш=. Корхона уч хил M_1, M_2, M_3 маҳсулот ишлаб чи=ади. 1 сўмлик M_1 маҳсулот ишлаб чи=иш учун 0,05 сўм M_1 ; 0,1 сўм M_2 ва 0,1 сўм M_3 маҳсулотлар сарфланади, 1 сўмлик M_2 маҳсулот ишлаб чи=иш учун 0,3 сўм M_1 ва 0,1 сўм M_3 маҳсулотлар сарфланади, 1 сўмлик M_3 маҳсулот ишлаб чи=иш учун 0,1 сўм M_1 ва 0,2 сўм M_2 маҳсулотлар сарфланади. Ҳар ойда бу маҳсулотларга таш=и талаб

160000, 400000 ва 1200000 сўмни ташкил этади. Ҳар бир маҳсулот учун ойлик ишлаб чиқариш режасини топинг.

7 боб. Чегаравий оптимизация моделлари

Режа:

7.1. Шартли экстремумга доир масалаларни ечишда

Лагранж усули

7.2. Фирманинг элементар назарияси

7.3.Тармоқлараро оптимизацион моделлар

Асосий мавзулар

Таянч иборалар, формулалар

Саволлар

Машқлар

7.1. Шартли экстремумга доир масалаларни

ечишда Лагранж усули

Лагранж кўпайтувчилари усули

Ушбу масалани қараймиз. $y = f(x_1, x_2)$ функциянинг $g(x_1, x_2) = 0$ чегаравий шарт бўйича (бу ерда x_1 ва x_2 ўзгарувчилар бир-бирига боғлиқ эмас) локал максимум (локал минимум) қилишини топиш талаб этилсин: яъни

$$f(x_1, x_2) \rightarrow \max \quad (f(x_1, x_2) \rightarrow \min) \quad (1)$$

$$g(x_1, x_2) = 0 \quad (2)$$

(1)-(2) масала шартли локал максимум (минимум) масаласи дейилади. Бу ерда f ва g функцияларни ўзларининг биринчи тартибли хусусий ҳосилалари билан биргаликда узлуксиз деб фарз қилинади.

Ушбу масалани ечиш учун *Лагранж функцияси* деб аталувчи ушбу масалани ўзгарувчилар функцияси тузилади:

$$L(X_1, X_2, \lambda) = f(X_1, X_2) + \lambda g(X_1, X_2) \quad (3)$$

Бу билан (1)-(2) шартли экстремум ҳақидаги масала x_1, x_2, λ уч ўзгарувчили $F(x_1, x_2, \lambda)$ функциянинг абсолют (шартсиз) экстремум-мини топишга келтирилади. $L(x_1, x_2, \lambda)$ Лагранж функцияси (1) маъсад функция, ҳамда (2) чегаравий функциянинг λ -янги, эркин ўзгарувчига кўпайтманинг йиғиндисидан иборат. λ -ўзгарувчини *Лагранж кўпайтувчиси* дейилади.

$f(x_1, x_2)$ ва $g(x_1, x_2)$ функциялар узлуксиз ва узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлсин. Шунингдек, (x_1^0, x_2^0) - маъсад функциянинг шартли локал экстремум нуътаси бўлсин. У ҳолда шундай λ^0 сон топиладики, у нуқтадаги тенгламалар системасини қаноатлантиради:

$$\begin{aligned} \frac{\partial L(x_1, x_2, \lambda)}{\partial x_1} &= 0, \\ \frac{\partial L(x_1, x_2, \lambda)}{\partial x_2} &= 0, \\ \frac{\partial L(x_1, x_2, \lambda)}{\partial \lambda} &= g(x_1, x_2) = 0 \end{aligned} \quad (4)$$

Бошланиш айтганда, агар (x_1^0, x_2^0) нуқта (1) функциянинг шартли локал экстремум нуътаси бўлса, у ҳолда $X = AX + S$ нуқта Лагранж функциясининг критик нуътаси бўлади. Демак, (1) функциянинг шартли локал экстремум нуътасини топиш учун Лагранж функциясининг критик нуътаси топилар экан.

$X = AX + S$ нуқтада $L(x_1, x_2, \lambda)$ функция экстремал нуқталарга эга бўлади. Аммо критик нуқтада максимум ёки минимум нуқталарга эга бўлишини аниқлаш учун аниқлашни соҳасига тегишли критик нуқтада функция нуқтасини текширишга тўғри келади.

Мисол. $y = x_1 x_2$ функциянинг $x_1 + x_2 - 1 = 0$ шарт бўйича экстремумларини топинг.

Ечиш. Лагранж методига кўра $L(X_1, X_2, \lambda) = x_1 x_2 + \lambda(x_1 + x_2 - 1)$

Лагранж функциясининг хусусий ҳосилаларини топамиз:

$$\frac{\partial L}{\partial x_1} = x_2 + \lambda = 0, \quad \frac{\partial L}{\partial x_2} = x_1 + \lambda = 0, \quad \frac{\partial L}{\partial \lambda} = x_1 + x_2 - 1 = 0$$

Бундан ҳосил бўлган тенгламалар системасини ечамиз:

$$\begin{cases} x_2 + \lambda = 0 \\ x_1 + \lambda = 0 \\ x_1 + x_2 - 1 = 0 \end{cases} \begin{cases} x_1 = x_2 \\ x_1 + x_2 - 1 = 0 \end{cases} \Rightarrow x_1^0 = x_2^0 = \frac{1}{2}, \quad \lambda = -\frac{1}{2}$$

Система ягона $(\frac{1}{2}, \frac{1}{2}, -\frac{1}{2})$ ечимга эга экан. Демак, $(x_1^0, x_2^0) = (\frac{1}{2}, \frac{1}{2})$ ну=та берилган функциянинг шартли локал минимум ну=таси бўлади, чунки бевосита текшириш мумкинки, $x_1 + x_2 - 1 = 0$ шартни =аноатлантирадиган ихтиёрий (x_1, x_2) , ҳамда (x_1^0, x_2^0) ну=талар учун $f(x_1, x_2) \geq f(x_1^0, x_2^0) = \frac{1}{4}$ бўлади.

Лагранж усули: умумий кўриниши

Ю=орида Лагранж усулини икки ўзгарувчи функция ва битта чегаравий шартга нисбатан =ўлланиши кўрилди. Бу усулни умумлаштириш мумкин ва n та ўзгарувчи, ҳамда m та чегаравий шарт учун =ўлласса бўлади. Фараз =илайлик, $F(x_1, x_2, \dots, x_n)$ функциянинг $g_1(x_1, x_2, \dots, x_n) = 0, \dots, g_m(x_1, x_2, \dots, x_n) = 0$ шартлар бажарилганда минимал ёки максимал =ийматини топиш масаласи =ўйилган бўлсин. Лагранж функциясини =уйидагича киритамиз:

$$L = F(x_1, x_2, \dots, x_n) + \lambda_1 g_1(x_1, x_2, \dots, x_n) + \dots + \lambda_m g_m(x_1, x_2, \dots, x_n) = 0 \quad (5)$$

бу ерда $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_m$ – Лагранж кўпайтувчилари. Масала ечими

$$\frac{\partial L}{\partial x_1} = 0, \quad \frac{\partial L}{\partial x_2} = 0, \dots, \quad \frac{\partial L}{\partial x_n} = 0, \quad g_1 = 0, g_2 = 0, \dots, g_m = 0 \quad , \quad (6)$$

тенгламалар системасини ечиш ор=али топилади.

7.2. Фирманинг элементар назарияси

3 бобда ишлаб чи=аришнинг оптимал ташкил =илиш масаласи кўрилган эди ва ечими геометрик усули билан топилган эди. Энди бу масалага яна =айтиб, Лагранж усули ёрдамида харажатларни минималлаштириш масаласини ечиб кўрамыз.

Фирмада (корхонада) ишлаб чи=ариш жараёнини k -капитал ва l -меҳнат ресурсларга бо=ли= икки ўзгарувчи $F(k, l)$ ишлаб чи=ариш функцияси ифодалайди деб фараз =илайлик.

Агар капитал ва меҳнатларнинг бир бирликлари нархлари мос равишда s, v бўлса, ишлаб чи=аришда ресурсларга сарфланган W харажатлар

$$W = sk + vl \quad (1)$$

бўлади. Корхона Q^* ҳажмда маҳсулотни ишлаб чи=аришни режалаштирган бўлса, бунга энг кам харажатлар билан эришишга интилиши табиийдир. Ишлаб чи=аришни бундай оптимал ташкил этишнинг и=тисодий математик моделини чизи=ли чегаравий оптимизация масаласи кўринишда ифодалаш мумкин.

$$\begin{aligned} W &= sk + vl \rightarrow \min, & (*) \\ F(k, l) &= Q^* & (**) \end{aligned}$$

Бунда W -ма=сад функция, $(**)$ -чегаравий шарт дейилади. Масаланинг оптимал ечими (оптимал режа) (k^*, l^*) чегаравий шартни =аноатлантирувчи режалар орасида W -ма=сад функцияга энг кичик =иймат келтирувчи режа ҳисобланади.

Мисол $s = 20$, $v = 4$ ишлаб чи=ариш функцияси $5kl$ бўлсин. Корхона $Q^* = 3600$ бирлик маҳсулот ишлаб чи=аришни режалаштирмо=да.

Бу масалани =уйидаги кўринишда ифодаласа бўлади:

$$\begin{aligned} W &= 20k + 4l \rightarrow \min \\ 5kl &= 3600 \end{aligned} \quad (2)$$

(2) масалани шартли экстремумни топиш масаласи деб =араш мумкин ва уни ечиш учун 7.1да кўрилган Лагранж кўпайтувчилари усулини =ўлласа бўлади:

$$\begin{aligned} L &= (20k + 4l) + \lambda(5kl - 3600), \quad \partial L / \partial k = 20 + 5\lambda = 0, \\ \partial L / \partial l &= 4 + 5\lambda k = 0, \quad \partial L / \partial \lambda = 5kl - 3600 = 0 \Rightarrow k^* = 12; \quad l^* = 60. \end{aligned}$$

Демак, 3600 бирлик маҳсулот ишлаб чи=ариш учун корхона 12 бирлик капитал ва 60 бирлик меҳнат ресурсларидан фойланади. Бунда ишлаб чи=ариш харажатлари $W = 20 \cdot 12 + 4 \cdot 60 = 480$ бўлади, ва бу харажатлар мумкин бўлган энг кичик =ийматни ташкил этади.

Буни текшириш учун $5kl = 3600$ тенгламадан $k = 720/l$ ни топиб, харажат функциясини бир ўзгарувчи кўринишга келтирамиз:

$W = 20(720/l) + 4l$ ёки $W = 14400/l + 4l$. Энди бу функциянинг иккинчи ҳосиласини $l = 60$ =ийматида ҳисобласак, $d^2W(60)/(dl^2) > 0$ тенгсизлик ҳосил бўлади. Бу шарт эса $l = 60$ =ийматда $W(l)$ функция минимумга эришишини билдиради. Шу билан бирга (12; 60) ну=тада ишлаб чи=ариш харажати минимал бўлиши ҳам исботланади.

Кўрилган масалада корхона режалаштирган $Q^* = 3600$ бирлик маҳсулотни минимал харажатлар билан ишлаб чи=ариш масаласи ечилди. Агар бундай оптималлаштириш масалани ихтиёрий Q учун =ўйиб ечсак, оптимал ишлаб чи=ариш учун мос *минимал харажатлар функцияси* $C(Q)$ ни топган бўламиз. $C(Q)$ - берилган Q ми=дорда маҳсулот ишлаб чи=ариш баҳосини ифодалайди.

Масалан, 7.2 даги мисолни $Q^* = 3600$ ўрнида ихтиёрий Q учун ечсак,

$k = \frac{1}{5}\sqrt{Q}$, $l = \sqrt{Q}$ бўлади ва Q ми=дорда маҳсулот ишлаб чи=аришнинг минимал баҳоси

$$C(Q) = 20k + 4l = 8\sqrt{Q}$$

бўлади.

Албатта фирма ишлаб чи=ариш жараёнини ташкил этишда минимал харажатларга интилади. Аммо бош ма=сад-ишлаб чи=илган маҳсулотни сотиб, кўпро= фойда кўришдир.

Фараз =илайлик, корхонадаги ишлаб чи=ариш жараёни

$$F(k, l) = Ak^{\alpha}l^{\beta} \quad (A, \alpha, \beta > 0) \quad (3)$$

Кобб-Дуглас ишлаб чи=ариш функцияси билан ани=ланган. Агар s, v - капитал ва меҳнат ресурслари бир бирликларининг баҳолари бўлса, Q ми=дорда маҳсулот ишлаб чи=аришнинг минимал баҳосини

$$sk + vl \rightarrow \min, \quad Ak^{\alpha}l^{\beta} = Q \quad (4)$$

оптимизация масаласи ечими кўринишида топиш мумкин. Ечимни Лагранж усулидан фойдаланиб топамиз:

$$L = (sk + vl) + \lambda(Ak^{\alpha}l^{\beta} - Q), \quad \partial L / \partial k = s + \lambda \alpha Ak^{\alpha-1}l^{\beta} = 0, \\ \partial L / \partial l = v + \lambda \beta Ak^{\alpha}l^{\beta-1} = 0, \quad \partial L / \partial \lambda = Ak^{\alpha}l^{\beta} - Q = 0, \Rightarrow k = \left[\frac{Q}{A(s/\beta/v/\alpha)^{\beta}} \right]^{1/(\alpha+\beta)},$$

Бунда минимал баҳо

$$C(Q) = sk + vl = ZQ^{1/(\alpha+\beta)} \quad (5)$$

кўринишда бўлади, бу ерда

$$Z = s \left[\frac{1}{A(s/\beta/v/\alpha)^{\beta}} \right]^{1/(\alpha+\beta)} + v \left[\frac{1}{A(v/\alpha/s/\beta)^{\alpha}} \right]^{1/(\alpha+\beta)}.$$

Фирма самарали ишлаши учун мумкин даражада катта фойда олишга ҳаракат =илади. Агар ишлаб чи=арилган маҳсулотнинг сотилиш баҳосини P деб белгиласак, у ҳолда Q ми=дордаги ишлаб чи=аришдан олинган фойда

$$\Phi(Q) = PQ - ZQ^{1/(\alpha+\beta)} \quad (6)$$

функция билан ани=ланади. Бу функция $\alpha + \beta \neq 1$ да


$$\Phi'(Q_0) = P - \frac{1}{\alpha + \beta} ZQ_0^{1/(\alpha+\beta)-1} = 0$$

шартни =аноатлантирувчи Q_0 критик ну=тага

эга. Бу ну=тада фойда функциянинг иккинчи ҳосиласи =уйидагича бўлади:

$$\Phi''(Q_0) = -Z/(\alpha + \beta)(1/(\alpha + \beta) - 1)Q_0^{1/(\alpha+\beta)-2} = (1 - 1/(\alpha + \beta))P/Q_0.$$

Бундан кўринадики, агар $\alpha + \beta < 1$ бўлса, энг катта фойдага Q_0 ми=дордаги ишлаб чи=аришда эришилар экан. $\Phi(Q)$ фойда функциянинг графиги 7.1, 7.2-расмларда тасвирланган.



7.1-расм ($\alpha + \beta < 1$) 7.2-расм ($\alpha + \beta > 1$)

Агар $Y_m^* = c Y_m^* + \alpha + I$ бўлса, корхона фойда кўриш учун $Q > Q_1$ ($Q_1 = (Z/p)^{(\alpha+\beta)/(\alpha+\beta-1)}$) миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга одир бўлиши керак.

7.3. Тармоқлараро оптимизацион моделлар

Кўп тармоқли иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда тармоқлараро баланснинг турли моделларини ўрганиш, баланс тенгламалари системасининг манфиймас ечимларини қидириш билан биргаликда, қандай ҳарajat қилиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, қандай меҳнат сарф қилиб, маҳсулот унумдорлигини оширишдек муҳим омилларни ҳам ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Бундай омилларни ҳисобга олган иқтисодий моделлар *оптимизацион моделлар* дейилади.

Биз бу бўлимда оптимизацион моделлардан Леонтьевнинг умумлашган моделини кўриб чиқамиз.

Олдинги бобларда тармоқлараро алоқалар моделида (Леонтьев модели) ҳар бир соҳа фақат битта ишлаб чиқариш технологиясидан иборат эди. Агар бу чегараланишни кенгайтирсак, яъни ҳар бир соҳа бир нечта технологиялардан иборат бўлса, у ҳолда ҳосил қилинадиган моделни *Леонтьевнинг умумлашган модели* дейилади.

Иқтисодиётда n та ишлаб чиқариш технологияси бўлиб, унда m турдаги ($m \leq n$) маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлсин. u технология бўйича j -турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган i -нчи ресурс миқдорини ва меҳнат ҳажмини мос равишда қуйидагича белгилаймиз:

$$a_{ij}^s; \quad i, j = 1, 2, \dots, m; \quad s = 1, 2, \dots, \ell(j);$$

$$c_j^s; \quad j = 1, 2, \dots, m; \quad s = 1, 2, \dots, \ell(j).$$

У ҳолда бевосита ҳарajat коэффициентларининг умумлашган матрицаси - A (Леонтьевнинг умумлашган матрицаси) ва сарфланган меҳнат коэффициентлари вектори - C ҳосил бўлади:

$$A = \begin{bmatrix} a_{11}^{(1)} & a_{11}^{(1)} & a_{12}^{(1)} & a_{12}^{(1)} & \dots & a_{1m}^{(1)} & a_{1m}^{(1)} \\ a_{21}^{(1)} & a_{21}^{(1)} & a_{22}^{(1)} & a_{22}^{(1)} & \dots & a_{2m}^{(1)} & a_{2m}^{(1)} \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots & \vdots \\ a_{m1}^{(1)} & a_{m1}^{(1)} & a_{m2}^{(1)} & a_{m2}^{(1)} & \dots & a_{mm}^{(1)} & a_{mm}^{(1)} \end{bmatrix};$$

$$C = (c_1^{(1)}, c_1^{(1)}, c_2^{(1)}, c_2^{(1)}, \dots, c_m^{(1)}, c_m^{(1)}).$$

Ишлаб чиқариш матрица коэффициентлари бирлик матрицани “кенгайтириш”
оралиқ ҳосил қилинади:

$$E = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 & \dots & 0 \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 0 & 0 & 0 & 0 & \dots & 1 \end{bmatrix}.$$

X - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмлари вектори ва F -ташқи истеъмолга мос
сўнгги талаблар вектори бўлсин:

$$X = \begin{bmatrix} x_1 \\ M \\ x_m^{(1)} \\ M \\ x_m^{(m)} \end{bmatrix}, \quad F = \begin{bmatrix} F_1 \\ F_2 \\ M \\ F_m \end{bmatrix}.$$

Ҳар бир соҳада мавжуд технологиялардан битта яроқли танланади. Агар
технологияни танлаш сўнгги талабни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, ва
шунингдек, ҳар бир соҳа бўйича меҳнат харажатларини минималлаштиришга
асосланган бўлса, у ҳолда технологик танлаш муаммоси чизиқли дастурлаш
масаласига келтирилади:

$$\begin{cases} (E - A)X \geq F \\ X \geq 0 \\ CX \rightarrow \min \end{cases}.$$

Бу масalani ечишда ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан,
чизиқли дастурлаш масалаларини ечишда юқори самарали бўлган симплекс-
усулни қўллаш мумкин.

Қўрилган моделда ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлган ички ресурслардан
ташқари фақат меҳнат ресурси эътиборга олинган. Умумий ҳолда бошқа,
ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлмаган ресурсларни (мисол учун, асосий
фондлар ёки табиий ресурслар) ҳам чегаравий шартларга қўйиш мумкин.

Асосий мавзулар

- шартли экстремумга доир масалаларни ечишда Лагранж усули
- умумий кўринишдаги Лагранж усули
- фирманинг элементар назарияси; капитал ва меҳнат ресурсларга кетган умумий харажатларни минималлаштириш
- баҳо функцияси; максимал фойда олиш учун ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш
- тармоқлараро оптимизацион моделлар; Леонтьевнинг умумлашган модели

Таянч иборалар, формулалар

- шартли локал максимум (минимум) масаласи,
 $f(x_1, x_2) \rightarrow \max, (f(x_1, x_2) \rightarrow \min), g(x_1, x_2) = 0$
- Лагранж функцияси, $L(x_1, x_2, \lambda) = f(x_1, x_2) + \lambda g(x_1, x_2)$
- Лагранж кўпайтувчиси, λ
- капитал, k ; меҳнат, l
- умумий ишлаб чиқариш харажатлари, $W = sk + vl$
- маҳсад функцияси, чегаравий шартлар
- оптимал ечим, оптимал режа, (k^*, l^*)
- минимал харажатлар функцияси, $C(Q)$
- фойда функцияси, $\phi(Q) = pQ - ZQ^{1(\alpha+\beta)}$
- оптимизацион моделлар
- Леонтьевнинг умумлашган модели,
$$\begin{cases} (E - A)X \geq F \\ X \geq 0 \\ CX \rightarrow \min \end{cases}$$

Саволлар

- Чегаравий оптимизация масаласининг умумий кўриниши қандай?
- Лагранж усулида ечимни топиш учун тузиладиган тенгламалар системасининг ечими мавжудлиги қандай қандай мулоҳазалар юритса бўлади?
- Ишлаб чиқаришни оптимал режалаш модели қандай?

- Фирмада маҳсулот ишлаб чиқариш =уввати чекланган бўлса, фойда функцияси графиги =андай бўлади?
- 2-бобда кўрилган истеъмолни бюджет асосида оптималлаш масаласини Лагранж усули ёрдамида =андай ечилади?

Маш=лар

1-маш=. $y = 2x_1x_2$ функциянинг $x_1^2 + x_2^2 = 29$ шарт бўйича экстремумларини топинг.

2-маш=. Фирмада ойлик ишлаб чиқариш функцияси $k^{1/3}l^{1/2}$, капитал ва меҳнатларнинг бир бирлик нархлари $s = 10$, $v = 5$ бўлсин. 500 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун минимал харажатларни, ҳамда унга мос ресурслар =ийматларини топинг.

3-маш=. Фирмада ишлаб чиқариш функцияси $5k^{1/2}l^{1/4}$, капитал ва меҳнатларнинг бир бирлик нархлари $s = 10$, $v = 10$ бўлсин. Фирманинг минимал баҳо функциясини топинг. Максимал фойда олиш учун =анча ми=дорда маҳсулот ишлаб чиқариш керак?

4-маш=. Кичик фирмада ишлаб чиқариш функцияси $k^{1/4}l^{1/4}$ капитал ва меҳнатларнинг бир бирлик нархлари $s = 4$, $v = 3$ бўлсин. Агар фирманинг ишлаб чиқариш =уввати R ми=дордан ошмаса, ишлаб чиқаришнинг оптимал таклифи =андай бўлади?

5-маш=. Кичик фирмада ишлаб чиқариш функцияси $2k^{1/3}l^{1/3}$, капитал ва меҳнатларнинг бир бирлик нархлари $s = 6$, $v = 2$ бўлсин. Агар фирманинг ишлаб чиқариш =уввати ҳафтасига 500 бирлик ми=дордан ошмаса, Максимал фойда олиш учун =анча ми=дорда маҳсулот ишлаб чиқариш керак?

8 боб. Тармо=лараро моделлар

Режа:

8.1. Текис пропорционал ўсиш траекторияси.

Нейман траекторияси

8.2. Нейман баҳолари

8.3. Магистрал моделлар

Асосий мавзулар

Таянч иборалар, формулалар

Саволлар

Маш=лар

8.1. Текис пропорционал ўсиш траекторияси

Нейман траекторияси

Ишлаб чи=аришнинг ўсиш моделини кўриб чи=амиз. Бу моделда ишлаб чи=ариш ҳажми текис пропорционал ўзгаради деб фараз =илинади. Бу бўлимда барча маҳсулотлар учун ишлаб чи=аришнинг ўсиш суръати ўзгармас бўлгандаги тармо=лараро динамик моделни кўриб чи=амиз. Бу модел текис пропорционал ўсиш модели бўлади.

7-боб даги тармо=лараро моделни ва=тга бо'лаб, =уйидагича ифодалаш мумкин:

$$X(t) = AX(t) + F(t), \quad (1)$$

бу ерда t - ва=т моменти.

Иккита компонентадан: яъни C -талаб вектори ва I - инвестиция векторидан ташкил топган сўнггги талаб вектори учун

$$F(t) = C(t) + I(t) \quad (2)$$

мунасабат ўринли. Агар t -ва=т моментидаги даромадни $y(t)$ деб белгиласак, у ҳолда алоҳида турлар бўйича товарларнинг *истеъмол функцияси* =уйидагича бўлиши мумкин:

$$C_i(t) = k_i y(t), \quad i = 1, 2, \dots, n \quad (3)$$

$y(t)$ даромадни =уйидагича тасвирлаш мумкин:

$$y(t) = \varepsilon_1^x x_1(t) + \varepsilon_2^x x_2(t) + \dots + \varepsilon_n^x x_n(t) \quad (4)$$

бу ерда ε_i - i -нчи маҳсулот учун =ўшилган =ийматнинг улуши. +уйидаги векторларни киритамиз:

$$h = \begin{pmatrix} h_1 \\ h_2 \\ \dots \\ h_n \end{pmatrix}, \quad \varepsilon^p = \begin{pmatrix} \varepsilon_1^p \\ \varepsilon_2^p \\ \dots \\ \varepsilon_n^p \end{pmatrix}$$

(3) ва (4) формулалардан $\Rightarrow$ уйидаги муносабатни келтириб чи $\Rightarrow$ ариш мумкин:

$$C(t) = h \varepsilon^p X(t) \quad (5)$$

j-нчи маҳсулотни ишлаб чи $\Rightarrow$ ариш учун зарур бўлган i-нчи турдаги капитал ми $\Rightarrow$ дорини b_{ij} деб белгиласак, B капитал матрицанинг коэффицентлари $\Rightarrow$ уйидагича ёзилади:

$$B = \begin{pmatrix} b_{11} & b_{12} & \dots & b_{1n} \\ b_{21} & b_{22} & \dots & b_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ b_{n1} & b_{n2} & \dots & b_{nn} \end{pmatrix}.$$

Фараз $\Rightarrow$ илайлик, маҳсулот ишлаб чи $\Rightarrow$ ариш ва хом ашё харажати, ҳамда капитал орасидаги бо $\backslash$ ланиш пропорционал бўлсин. Агар маҳсулот ишлаб чи $\Rightarrow$ ариш ўсишини $\Rightarrow$ уйидагича белгиланса:

$$\Delta x_i(t) = x_i(t+1) - x_i(t),$$

у ҳолда i-нчи маҳсулотга t-ва $\Rightarrow$ t давомидаги инвестицион талаб

$$I_i(t) = b_{i1}\Delta x_1(t) + b_{i2}\Delta x_2(t) + \dots + b_{in}\Delta x_n(t) \quad (6)$$

кўринишда бўлади, бу ерда $i = 1, 2, \dots, n$

Агар $\Delta x_i(t)$ элементлардан тузилган n-ўлчовли векторни $\Delta X(t)$ деб белгиласак, у ҳолда (6) формулани матрица кўринишда ёзиш мумкин:

$$I(t) = B \Delta X(t) = B(X(t+1) - X(t)) \quad (7)$$

(1),(2),(5),(7) тенгламалардан тармо $\Rightarrow$ лараро динамик моделнинг асосий тенгламаси келиб чи $\Rightarrow$ ади:

$$X(t) = (A + h \varepsilon^p) X(t) + B(X(t+1) - X(t)) \quad (8)$$

Агар $\bar{A} = A + h \varepsilon^p$ деб белгиласак, у ҳолда (8) тенглама $\Rightarrow$ уйидаги кўринишда ёзилади:

$$X(t) = \bar{A} X(t) + B(X(t+1) - X(t)) \quad (9)$$

Ю $\Rightarrow$ орида таъкидланганидек, ишлаб чи $\Rightarrow$ аришнинг ўсиш суръати ўзгармас деб фараз $\Rightarrow$ илинади. Агар ўсиш суръатини g деб белгиласак, $\Rightarrow$ уйидаги тенламани тузиш мумкин:

$$X(t+1) - X(t) = gX(t).$$

Агар маҳсулотнинг бирор йилдаги ишлаб чиқариш векторини X деб қабул қилсак, у ҳолда *текис пропорционал ўсишнинг динамик модели* тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$X = [\bar{A} + gB]X. \quad (10)$$

Бундан

$$(I - \bar{A})^{-1}BX = \frac{1}{g}X \quad (11)$$

келиб чиқади.

(11) тенгламада $(I - \bar{A})^{-1} > 0$ ва B матрицанинг ҳар бир қаторида энг камида битта мусбат элемент бўлсин. У ҳолда $(I - \bar{A})^{-1}B > 0$ бўлгани учун, мусбат аниқланган матрицалар ҳақидаги теоремага асосан $(I - \bar{A})^{-1}B$ матрица учун характеристик илдизи λ^* ва X^* - ўнг мусбат характеристик вектори бир қийматли аниқланади. Демак, иқтисодий талвинга эга бўлган текис пропорционал ўсиш траекторияси (уни *Нейман траекторияси – магистрالي* дейилади) $\{\alpha X^*, \alpha \geq 0\}$ векторни ифодалайди, g^* ўсиш суръати эса бу моделда λ^* га тесқари миқдор сифатида аниқланади.

8.2. Нейман баҳолари

Нейман баҳолари аввалги бўлимдаги Нейманнинг ўсиш моделига мос келади. P – баҳолар вектори бўлсин. У ҳолда текис ўсишга мос *Нейман баҳолари модели*ни

$$P = P(\bar{A} + rB) \quad (1)$$

кўринишда ёзиш мумкин, бу ерда r -фойда нормаси.

Асосий масала P ва r ларнинг қийматини ҳисоблашдан иборат. (1) тенгламани бошқачарок кўринишда ёзиш мумкин:

$$PB(I - \bar{A})^{-1} = \frac{1}{r}P \quad (2)$$

Фойда нормаси қиймати $(I - \bar{A})^{-1}B$ матрицанинг характеристик қийматига тесқари миқдор сифатида, $P = P^*$ баҳо вектори эса бу матрицанинг чап характеристик векторига тенг бўлади.

P^* ва r^* ларни қуйидаги алгоритм ёрдамида топиш мумкин:

$$P^{(k+1)} = P^{(k)}\bar{A} + r^{(k)}P^{(k)}B,$$

$$r^{(k)} = \frac{P^{(k)}(I - \bar{A})X}{P^{(k)}BX}, \quad k = 0, 1, 2, \dots,$$

бу ерда X -ихтиёрий мусбат ишлаб чиқариш вектори (=иймати фиксирланган). Баҳо векторининг ихтиёрий бошланғич мусбат =ийматида бу алгоритм ёрдамида мувозанатли P^* ва r^* ларни ҳисоблаш мумкин (алгоритм P^* ва r^* ларга яқинлашувчи бўлади).

8.3. Магистрал моделлар

Жамғариш магистрал модели

Магистрал назариясининг асосий оёяси энг яхши эффектив иқтисодий ўсишга ўтиш учун иқтисодиётни магистрал йўлга олиб чиқиш (Нейман траекторияси), ва шу асосида мақсадга эришишдан иборат. Магистрал моделлар асосан икки турга бўлинади: жамғариш магистрал модели; истеъмол магистрал модели. Жамғариш магистрал моделини кўриб чиқамиз.

Жамғариш магистрал моделининг мақсади, жамғарилган капитал суммасини режалаштирилган даврда максималлаштиришдан иборат. Уни кўп ўлчовли чизиqli дастурлаш масаласи сифатида қараш мумкин:

$$PBX(T) \rightarrow \max$$

$$\begin{cases} X(t) \geq \bar{A}X(t) + B(X(t+1) - X(t)), & t = 0, 1, 2, \dots, T \\ X(t) \geq 0, & t = 0, 1, 2, \dots, T \end{cases} \quad (*)$$

бу ерда $X(t) - t = 0, 1, 2, \dots, T$ ва t давомида ишлаб чиқарилган ($n \times 1$) ўлчовли маҳсулот вектори, $\bar{A}$ ва B лар мос равишда манфий бўлмаган харажатларни орттириш коэффициентлар матрицаси ва капитал коэффициентлар матрицаси. Ҳар иккала матрицанинг ўлчови ($n \times n$)дан иборат. P - охириги даврдаги захиралар баҳоси бўйича ўлчови ($1 \times n$) бўлган вектор.

Шунга мувофиқ, $X(0)$ вектор берилган ҳисобланади ва $[(I - \bar{A}) + B]X(0) > 0, PB \geq 0$ шартлар бажарилади. $\bar{A}$ ва B матрицалар =уйидагича аниқланади :

$$\bar{A} = A + h, \quad A = A^{(1)} + A^{(2)}, \quad B = B^{(1)} + B^{(2)}.$$

Бу ерда A , $A^{(1)}$ ва $A^{(2)}$ - ($n \times n$) ўлчовли манфий бўлмаган матрицалар бўлиб, A -барча турдаги ресурслар, $A^{(1)}$ -жорий харажатлар, $A^{(2)}$ - асосий капитал амортизацияси матрицаларини ифодалайди.

B , $B^{(1)}$, $B^{(2)}$ матрицалар ($n \times n$) ўлчовли манфий бўлмаган матрицалар бўлиб, B -хамма актив турлари бўйича коэффициентлар матрицаси, $B^{(1)}$ -асосий фондлар кўринишидаги активлар бўйича, $B^{(2)}$ -товар захиралари кўринишидаги активлар

бўйича коэффициентлардан тузилган матрицалар. h - истеъмол бўйича $(n \times 1)$ ўлчовли устун-вектор, θ - ўшимча =иймат нормаси мусбат вектори.

(*) масалага тегишли мумкин траекториялар сифатида =араладиган *ишлаб чи=ариш магистрали тенгламаси*


$$X = (\bar{A} + gB)X, \quad eX = 1$$

кўринишда ифодаланиши мумкин, бу ерда e - бирлик вектор, яъни $e = (1, 1, \dots, 1)$. X -текис пропорционал ишлаб чи=ариш ҳажми вектори, g -текис пропорционал ишлаб чи=аришдаги ўсиш суръатининг мусбат =иймати. Ю=орида келтирилган тенгламани =уйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$g^{-1}X = (I - \bar{A})^{-1}BX$$

$(I - \bar{A})^{-1} > 0$ ва B да ҳар бир сатрда камида битта мусбат элемент мавжуд деб фараз қиламиз. Бу фаразга кўра $(I - \bar{A})^{-1}B > 0$ ва у ҳолда $(I - \bar{A})^{-1}B$ матрица учун абсолют =иймат бўйича максимал λ * характеристик илдиши ва унга тегишли X^* мусбат ўнг характеристик вектор бир =ийматли ани=ланади.

И=тисодий нуктаи назаридан, магистрал модел $\{aX; a \geq 0\}$ шарт билан ифодаланади. g^* -текис ўсиш суръати эса λ * ми=дорга тескари ми=дор сифатида ани=ланади.



И=тисодий динамик моделлар татби=ларида *магистрал ҳа=идаги теоремалар* исботланади. Унга кўра, режалаштирилган даврнинг етарлича узо= ва=т давомида, маълум T_0 даврдан таш=ари (T_0 режалаштирилган давр узунлигига бо=ли= эмас), динамик моделнинг оптимал траекторияси бошлан\ич ҳолат ва P баҳолар векторига бо=ли= бўлмаган ҳолда магистралга я=ин келади (кучсиз магистрал теоремаси). Кучли магистрал теоремага кўра ихтиёрий X_0 бошлан\ич ҳолати ва X_T сўнгги ҳолати бўйича траектория учта соҳадан иборат бўлади: 1) X_0 дан магистрал томонига ҳаракат; 2) магистрал бўйича ёки бевосита унга я=ин ҳаракат; 3) магистралдан X_T -ҳолатга томон ҳаракат.

Магистрал ҳа=идаги теоремаларга кўра траекторияларнинг бошланиши ва якуни унинг режалаштирилган даврдаги давомийлигига бо=ли= эмас.

Истеъмолнинг магистрал модели

Маълумки, жам\ариш магистрал модели режалаштирилган даврда жам\арилган капиталнинг максималлаштириш билан ифодаланар эди. Биро=, и=тисодиётни

режалаштиришнинг ма=сади истеъмол даражасини оширишдан иборат бўлиши керак. Истеъмол даражасини максималлаштиришни ма=сад =илиб =ўйган режалаштириш моделларидан бири-бу *истеъмол магистрал модели*дир.

$L(t)$ -t-ва=t давомида таклиф =илинган ишчи кучи бўлсин. $L(0)$ -берилган бўлиб, g -ўсиш суръати (ўзгармас ми=дор) бўлса, у ҳолда =уйидаги тенглама ўринли бўлади:

$$L(t) = (1 + g)L(0).$$

g -нинг =иймати g_1 -иш билан банд бўлган аҳолининг ўсиш суръати ва g_2 -меҳнат унумдорлигининг ўртача ўсиш суръати билан ани=ланади: $g = g_1 + g_2 + g_1 g_2$.

Ю=оридагиларга асосан *истеъмолнинг магистрал модели*ни =уриш мумкин:

$$\sum_{t=0}^T (1 + \delta)^{-1} A(t) \rightarrow \max$$

$$X(t) \geq AX(t) + B(X(t+1) - X(t)) + A(t)q;$$

$$LX(t) \leq (1 + g)^t L(0)$$

$$X(t) \geq 0, A(t) \geq 0, (t = 0, 1, 2, \dots, T) \quad . (**)$$

$X(0), X(T+1)$ векторлар берилган бўлиб,

$$(I - A + B)X(0) > 0, X(T+1) \geq 0.$$

Бу ерда q –бир бирлик даврдаги манфий бўлмаган истеъмол структурасининг $(n \times 1)$ ўлчовли вектори, $\theta(t)$ -t-ва=tдаги истеъмол ҳажми, δ -чегириш проценти.

Бу моделда ҳам, жам\ариш магистрал модели каби, =уйидагича шартлар =ўйилади:

$$(I - A)^{-1} > 0, (I - A - gB)^{-1} > 0 \quad \text{ва} \quad \det(B) \neq 0.$$

У ҳолда =уйидаги тасди= ўринли: (**) ечимни ифодаловчи ишлаб чи=ариш ва истеъмолнинг оптимал траекториялари ва ишлаб чи=ариш ва истеъмолнинг магистрал траекториялари орасида магистрал ҳа=идаги “кучли” ва “кучсиз” теоремалардан келиб чи=адиган муносабатлар мавжуд бўлади.

Ишлаб чи=ариш ва истеъмолнинг магистрал траекториялари

$$X = AX + gBX + Aq, LX = L(0)$$

тенгламанинг X^* ва θ^* мусбат ечимлари асосида =уйидаги формулалар ёрдамида топилиши мумкин:

$$X^*(t) = (1 + q)^t X^*, \theta^*(t) = (1 + g)^t \theta^*$$

Бу ерда $X(T+1) = X^*(T+1) = (1 + g)^{T+1} X^*$

деб олинади.

Асосий мавзулар

- тармо=лараро динамик модел; текис пропорционал ўсиш (Нейман)
- модели
- текис ўсишга мос Нейман баҳоларини ва фойда нормасини ҳисоблаш
- жам\ариш магистрал модели
- истеъмол магистрал модели

Таянч иборалар, формулалар

- истеъмол функцияси, $C_i(t) = h_i y(t)$, $i = 1, 2, \dots, n$
- тармо=лараро динамик модел, $X(t) = (A + h)X(t) + B(X(t+1) - X(t))$
- текис пропорционал ўсишнинг динамик модели, $X = (\bar{A} + gB)X$
- Нейман траекторияси-магистрал, $\{\alpha X; \alpha \geq 0\}$
- Нейман баҳолари модели, $P = P(\bar{A} + rB)$
- жам\ариш магистрал модели, $PBX(T) \rightarrow \max$

$$\begin{cases} X(t) \geq \bar{A}X(t) + B(X(t+1) - X(t)), & t = 0, 1, 2, \dots, T \\ X(t) \geq 0, & t = 0, 1, 2, \dots, T \end{cases}$$

- ишлаб чи=ариш магистрالى тенгламаси, $X = (\bar{A} + gB)X$, $eX = 1$
- магистрал теоремалар

- истеъмолнинг магистрал модели, $\sum_{t=0}^T (1 + \delta)^{-1} \alpha(t) \rightarrow \max$

$$X(t) \geq AX(t) + B(X(t+1) - X(t)) + A(t)q;$$

$$LX(t) \leq (1+g)^t L(0)$$

$$X(t) \geq 0, A(t) \geq 0, (t = 0, 1, 2, \dots, T)$$

- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг магистрал траекториялари,
 $X^*(t) = (1+q)^t X^*, A^*(t) = (1+g)^t A^*$

Саволлар

- Нима учун текис пропорционал ўсиш модели дейилади?
- қандай траекторияни Нейман траекторияси дейилади?
- Магистрал нима?
- Магистрал теоремалар мазмуни нимадан иборат?
- Нейман баҳолар - бу қандай баҳолар?
- Оптимал баҳо ва фойда нормасини қандай топилади?
- Жамғариш магистрал модел маънаси нимадан иборат?
- Истеъмол магистрал модел маънаси нимадан иборат?

1-маш. А-бевосита харажатлар матрицаси, В-капитал матрица бўлсин:

$$A = \begin{bmatrix} 0,1269 & 0,0695 & 0,0014 \\ 0,2312 & 0,4884 & 0,1958 \\ 0,0547 & 0,1065 & 0,1374 \end{bmatrix}, \quad B = \begin{bmatrix} 0,2170 & 0,0033 & 0,0081 \\ 1,7287 & 0,6067 & 1,0710 \\ 0,0702 & 0,0424 & 0,0987 \end{bmatrix}$$

$$C = [0,0142 \quad 0,3589 \quad 0,3962] \text{ - истеъмол коэффициентлари ва}$$

$V = [0,6591 \quad 0,3351 \quad 0,7523]$ - ўшимча қиймат улуши бўлса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суратини топинг.

2-маш. А, В, С, V. Агар А-ресурслар матрицаси, В-капитал матрица коэффициентлари, С-истеъмол вектори, V-ўшимча қиймат нормасини вектори бўлса, ўсишнинг оптимал траекториясини ҳисобланг.

9 боб. Итисодий-статистик усуллар ва эконометрик моделлар

Режа:

9.1. Башоратлаш усуллари

9.2. Эконометрик моделлар

Асосий мавзулар

Таянч иборалар, формулалар

Саволлар

Маш=лар

9.1. Башоратлаш усуллари

Итисодий математик услублар ёрдамида итисодий жараёнларни белгиловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омиллар орасидаги миодорий бо'ланишларни (кўрсатувчи) ифодаловчи моделлар муҳим ўринга эга.

Итисодий жараёнларни ана шундай миодорий томонларини ҳамда итисоднинг назарий таҳлилларини математик статистиканинг усуллари ор=али тал=ин =илувчи фанни эконометрия деб юритилади. Эконометриянинг асосида параметрлари математик статистиканинг усуллари ор=али баҳоланадиган омиллар таҳлилининг итисодий математик модели ётади. Бу модел статистик асосида у ёки бу итисодий жараёнларни башоратлар, таҳлил этиш каби тад=и=отлар юритиш учун хизмат =илади. Бундай моделларни эконометрик моделлар деб юритилади.

Ушбу бобда баъзи итисодий масалаларнинг эконометрик моделлари таҳлил этилади.

Ҳозирги шароитда хал= хўжалиги жараёнларининг тара==иётини
режалаштирида илмий асосланган башоратлар ёрдамида бошлан'ич
марраларнинг ани=ланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Башоратлаш о=ибатида хал= хўжалигини келгусида эгаллаши мумкин бўлган ҳолати ани=ланади, ҳозирги кунда =абул =илинадиган =арорларнинг натижалари тахминан белгилаб чи=илади.

*И=тисодий башоратлаш*да и=тисодиётни ривожлантириш масалаларини хал =илиш ва=тида биз дуч келишимиз мумкин бўлган муаммолар ва вазифалар маълум бўлади. Биз и=тисодиётнинг келажакдаги аҳолини ани=лар эканмиз, хал= хўжалигини ривожлантиришдаги ижобий ва салбий томонларини башоратлаш ор=али кўраоламиз.

Биз, башоратлаш ва=тида ани=ланган ва хал этилиши лозим бўлган бир =атор вазифаларга эга бўлиб, конкрет тадбирларни турли дастурлар шаклида ишлаб чи=аоламиз, бу дастурлардан эса режа топшири=ларини ишлаб чи=ариш ва=тида фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг бир-бирига боʻли= равишда ва бир-бирини та=озо этиб ривожланиш принципи социал-и=тисодий башоратлаш назариясининг бошланʼич шарт-шароитидир.

Ижтимоий ҳаётдаги кўпгина жараёнлар ўз тара==иётида инерцион хоссаларга эга бўлиб, кўриб чи=илаётган тизим =анчалик мураккаб бўлса, унинг инерционлиги ҳам шунчалик кўп бўлади. Хал= хўжалиги и=тисодиётини режали ривожлантириш шароитида тара==иётнинг инерционлиги кўпроқ содир бўлади.

Бир хил ҳодисалар ҳа=идаги ахборотни тар=атиш усули, ахборот ҳажмини бир ҳодисадан иккинчисига ўтказиш, муайян шарт-шароитда *экстраполяция* усули дейилади. Экстраполяция тад=и=от объектининг ҳозирги ва=тда текшириш мумкин бўлган =исми учун =улай ахборотга, бутун объектнинг ани=ланишини таъмилайдиган умумий =онуниятларга асосланади. Экстраполяция усули билиш усули сифатида илмий башорат учун асос бўлади, чунки рўй бераётган ҳодисаларни башоратлаш ва=тида у тизимни (объектни) келгусида ривожлантириш =онуниятларига тадби= =илинади.

Башоратлашнинг ма=сади тизимнинг ўтмишдаги ва ҳозирги аҳолини,ўзгариш =онуниятларини ўрганиш ва таҳлил =илиш асосида унинг келгусидаги ривожланишини илмий асосланган ҳолда белгилаб чи=иш, содир бўладиган вазиятнинг характери ва мазмунини очиб беришдан иборат.

Башоратлаш ҳодисалар ва жараёнларнинг келажакдаги мумкин бўлган ривожланиш йўлини ва натижасини белгилаб беради, озми-кўпми узо=ро= исти=бол учун бу ҳодиса ва жараёнларни характерловчи кўсаткичларга баҳо беради.

Башоратлаш вазифалари кўп жиҳатдан башорат мўлжалланадиган даврнинг муддатига боʻли=дир. Башоратлаш даврининг муддати бўйича уч гурппага бўлинади: =ис=а муддатли башоратлар-даври 5 йилгача; ўртача муддатли башоратлар-15 йилгача; узо= муддатли башоратлар-30 йилгача; жуда узо= муддатга мўлжалланган башоратлар-30 йилдан кўпро= даврни ўз ичига олади.

Амалда башоратлашнинг барча усуллари 3 гурппага бўлиш мумкин:

-мутахассислар тузиб чи=адиган ва маълум ахборотларга асосланадиган эксперт усуллари;

-маълум маълумотлардан фойдаланишга асосланган, башоратлаш объектининг ўтмишини характерловчи маълумотга асосланган статистик (и=тисодий-математик) усуллари;

-мавжуд, ҳамда эксперт ахборотдан фойдаланишга асосланган аралаш усуллар.

Бир-бирига боʻланган тенгламалар тизимига асосланган энг оддий башоратлаш моделларидан бирини кўрамиз. Бу моделда кўрсаткичлар =иймати уларга таъсир этувчи омиллар бўйича тегишли тенгламалар ёрдамида ани=лаб чи=илади. +аралаётган омиллар одатда тасодифий характерга эга бўлганлиги сабабли ани=лашланинг кенг тар=алган усуллардан бири корреляцион-регрессион усулдан иборат бўлиб бу усул, яъни омиллар орасидаги боʻланишларни ўлчаш, ҳамда улардан бирининг ми=дорий ўзгариши бош=аларига =андай таъсир этиш даражасини ани=лашдан иборатдир.

Бош=ача =илиб айтганда, тад=и=от =илиши лозим бўлган кўрсаткичларни ўзаро боʻловчи ва улар орасидаги боʻланишларни ифодаловчи катталикларни ўз ичига олган математик муносабатларни келтириб чи=ариш ва уларни таҳлил этиш шу усулнинг моҳиятини ташкил этади.

Бу муносабатлар масаланинг =ўйилишига ҳамда талаб =илинаётган ани=ликка =араб хилма хил кўринишга эга бўлиши мумкин. Айтилганларни нормал равишда математик тил билан баён =илишга ҳаракат =иламиз.

Фараз =илайлик, $\alpha + \beta < 1$ =андайдир жараённинг ўзаро боʻли= тасодифий белгили омиллари бўлиб улар улар орасидаги муносабат

$$\{aX; a \geq 0\} \quad (1)$$

кўринишда бўлсин. Бу муносабатга асосан, бизни =изи=тираётган у-нинг =ийматларини бош=а $x_1, \dots, x_k$ омиллар =ийматлари бўйича f-оидани =ўллаб топиш мумкин. (1) даги f-“оидани” танлаш тад=и=отчининг ихтиёридаги мавжуд статистик маълумотларига таянган ҳолда эришилади.

+уйидаги содда ҳоллар билан чегаралинишга ҳаракат =илган ҳолда, уларга мос математик моделни =андай тузиш мумкинлигини кўрсатамиз. Шу боис,

масалани математик тилда ифодалаймиз. Фараз =илайлик, =араётган $y, x_1, \dots, x_k$ тасодифий белгили омиллар ўзаро корреляцион боʻлиқликда бўлиб, улар ҳа=идаги сонли статистик маълумотлар =уйидаги жадвал кўринишда берилган бўлсин.

у	x_1	x_2	...	x_k	=айтарилиш частотаси
y_1	$x_1^{(1)}$	$x_2^{(1)}$	-	$x_k^{(1)}$	n_1

.	.	.	-	.	.
.	.	.	-	.	.
.	.	.	-	.	.
.	.	.	-	.	.
y_m	$x_1^{(m)}$	$x_2^{(m)}$	-	$x_k^{(m)}$	n_m

+аралаётган у ва $x_1, \dots, x_k$ белгилар орасидаги энг содда статистик боʻланиш-улар орасидаги чизиqli корреляцион боʻланишдир:

$$y = c + a_1 x_1 + \dots + a_k x_k \quad (2)$$

бунда $x_3 = 71,75$ - андайдир ўзгармас сонлар бўлиб, улар белгилар орасида ўзаро муносабатларга боʻлидирлар.

Агар (2) муносабат тадқиотчи томонидан танланган бўлса, унинг кейинги вазифаси $c, a_1, \dots, a_k$ ўзгармасларни шундай танлаши керакки, натижада у нинг (2) формула бўйича топилган ийматлари, амалда кузатилган ийматларига етарли даражада (тадқиотчини аноатлантирадиган) якин бўлсин. Бу масалани ҳал қилишда энг кичик квадратлар усули деб аталувчи усул қулай воситадир. Бу усулнинг мохиятини қуйидагича тушунтириш мумкин. (2) тенгликнинг ўнг томонига жадвалдаги $x_1^{(i)}, \dots, x_k^{(i)}, i = \overline{1, m}$ ларни қўйсак, умуман y_i лардан фарланувчи Y_i ийматларни ҳосил қиламиз.

У ҳолда $Y_i - y_i$ айирма (2) бўйича ҳисоблангандаги билан жадвалда унга мос иймат орасидаги фарқи билдиради. Энг кичик квадратлар усули бўйича $c, a_1, \dots, a_k$ ларнинг шундай ийматларини топиш лозимки, натижада

$$s = s(c, a_1, \dots, a_k) = \sum_{i=1}^m \left(\sum_{j=1}^k a_j x_j^{(i)} + c - y_i \right)^2 \cdot n_i$$

функция энг кичик ийматга эришсин.

Бу масалани ечиш ушбу

$$\begin{cases} \frac{\partial s}{\partial c} = 0 \\ \frac{\partial s}{\partial a_v} = 0, \quad v = \overline{1, k} \end{cases} \quad (3)$$

тенгламалар тизимини ечимларини топишга келтирилади.

$k + 1$ номаълумли бу тизимни ечиш учун қуйидаги белгалашларни киритамиз:

$$r_0 = \sum_{i=1}^m r_i$$

$$\begin{cases} c + a_1 \bar{x}_1 + a_2 \bar{x}_2 + \dots + a_k \bar{x}_k = \bar{y} \\ C \bar{x}_j + a_1 \bar{x}_1 \bar{x}_j + a_2 \bar{x}_2 \bar{x}_j + \dots + a_j \bar{x}_j^2 + \dots + a_k \bar{x}_k \bar{x}_j = \bar{x}_j \bar{y} \\ j = \overline{1, k} \end{cases} \quad (4)$$

$$y = \bar{y} + a_1(x_1 - \bar{x}_1) + \dots + a_k(x_k - \bar{x}_k), \quad (6)$$

$$\begin{cases} a_1(\overline{x_1 x_j} - \overline{x_1} \overline{x_j}) + m + a_{j-1}(\overline{x_{j-1} x_j} - \overline{x_{j-1}} \overline{x_j}) + a_j(\overline{x_j^2} - (\overline{x_j})^2) + \dots + \\ \quad + a_k(\overline{x_k x_j} - \overline{x_k} \overline{x_j}) = \overline{x_j y} - \overline{x_j} \overline{y_j} \quad j = \overline{1, k} \end{cases} \quad (7)$$

$i = \overline{1, k}, \quad j = \overline{1, k} - x_i$ ва x_j -нинг корреляция коэффициентларини киритсак, (7)ни кўриниши =уйидагича бўлади.

[illegible]

(2) кўринишдаги чизиqli моделлар итисодиётининг кўп масалаларига мос келади. +ўйида шу моделни тадби= сифатида я=инда М./офуров рахбарлигида

бажарилган илмий тад=и=отдан намуналар келтирамиз (Ота=ўзиева З.М. Тошкент. Канд. Диссертацияси. 2000 й.).

Бу тад=и=отда хусусан чи=инди газларнинг атроф-муҳит ифлосланишига ва ҳар-хил касалликларнинг келиб чи=ишга салбий таъсир этиш даражасини и=тисодий баҳолаш услублари ишлаб чи=арилган.

Чи=инди газлар сифатида автомобилларникини оламиз. Уларнинг таъсирида пайдо бўладиган ва ю=умли бўлмаган 10 та касаллик турларининг ми=дорий ўзгаришларини таҳлилни кўрайлик.

Чи=инди газларни ташкил этувчилари орасида =уйидаги 5 хилини кўриш билан кифояланамиз:

x_1 -углерод оксиди, x_2 - азот оксиди, x_3 - углеводородлар, x_4 - олтингугурт оксиди, x_5 - урум.

$y_1, y_2, \dots, y_{10}$ ор=али =уйидаги касалликлар билан о\риган беморлар сонини белгилайлик:

1. Нафас олиш аъзолари сили;
2. Янги пайдо бўлган ўсимталар;
3. Асаб тизими ва сезги аъзолари касалликлари;
4. +он босими касаллиги;
5. +он босими билан келган кам=онлик;
6. +он босимисиз кам=онлик;
7. Нафаси олиш йўллариининг сурункали ялли\ланиши;
8. Нафас йўли бў\ма хафа=он касаллиги;
9. Нафас олиш аъзоларининг бош=а касалликлари;
10. Тери ва тери ости тў=ималар касалликлари.

Y_i - ларнинг x_1, x_2, x_3, x_4 ва x_5 лар ор=али ифодаланишини топиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, топилган муносабат ор=али башоратлаш жараёнини ҳам олиб бориш мумкин бўлади. y_i лар x_j -ларнинг функцияси эканлиги равшан. Ана шу функция =аралаётган омиллар устида кузатилган кўп йиллик маълумотлар асосида.

$y_i = c^{(i)} + a_1^{(i)} x_1 + a_2^{(i)} x_2 + a_3^{(i)} x_3 + a_4^{(i)} x_4 + a_5^{(i)} x_5, \quad i = \overline{1, 80}$ кўринишда ахтарилган.

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида $y_i, \quad \{i = \overline{1, 10}\}$ ларнинг $x_j \quad (j = \overline{1, 5})$ ор=али ани= чизи=ли бо\ланишларини топиш мумкин.

Хусусан нафас олиш аъзолари сили бўйича касаллар сони

$$y_1 = 2046,3321 - 574,264x_1 - 3152,051x_2 + 4686,981x_3 - 4646,592x_4 - 170,936x_5$$

формула ор=али топилиши мумкин.

Шу аснода, =аралаётган омилларнинг бир-бирига бо\ли= равишда ми=дорий ўзгаришларини таҳлил =илувчи регрессил изланиши ҳам олиб борилган. Шу масала бўйича =илинган бош=а таҳлиллар ҳа=ида ю=орида эслатилган адабиётга мурожаат =илиш мумкин.

Умуман олганда, хал= хўжалигини ва тармо=ни и=тисодий-математик башоратлаш жараёни =уйидаги бос=ичларни ўз ичига олади:

-муайян ма=садга йўналтирилган концепцияни ишлаб чи=иш;

-башорат =илинаётган объектнинг дастлабки ҳолатини ани=лаш;

-башоратлаш усуллари танлаш;

- башоратлаш натижаларини тузатиб чи=иш ва баҳолаш;

-узо= муддатга мўлжалланган режалар ва комплекс дастурларни ишлаб чи=ишга доир хулосалар ва тавсиялар.

Башоратлаш бос=ичида и=тисодий объектларни ривожлантириш ма=садлари ани= муаммолар асосида белгилаб чи=илади.

2. Эконометрик моделлар.

И=тисодий-математик моделларни =уриш ва уларнинг татби=ларини чизи=ли регрессион моделлар, кўп факторли моделлар асосида кўриб чи=амиз.

Кўриладиган масалаларнинг асосий математик аппаратини математик статистика, корреляцион ва регрессион таҳлиллар ташкил этади. *Корреляцион-регрессион таҳлил усуллари* асосан =уйидагича 3 та масалани ечишни та=озо этади: натижавий ва фактор белгилар орасидаги бо\ланиш кўринишини ани=лаш; улар ўртасидаги бо\ланиш даражасини ани=лаш; ҳар бир фактор белгилар таъсирини ани=лаш. Бу масалаларни ечишни конкрет и=тисодий масалаларни таҳлил =илиш ор=али баён этамиз.

Жадвалда 9 та оиланинг ози=-ов=ат маҳсулотларига харажати ва киши бошига оладиган даромади, ҳамда келтирилган оила аъзоларининг сони берилган.

№	Ози=-ов=ат харажати (y)	Киши бошига даромад(x)	Оиланинг ўлчови
1	433	628	1,5
2	616	1574	2,1
3	900	2659	2,7

4	1113	3701	3,2
5	1305	4796	3,4
6	1488	5926	3,6
7	1645	7281	3,7
8	1914	9350	4,0
9	2411	18807	3,7

Бу ерда ози=-ов=ат харажатларини киши бошига даромад ва оила аъзоларининг сонига бо'ли=лигини таҳлил =илиш масаласини кўрайлик.

Натижавий белгини y билан, омил белгиларни x_1 ва x_2 ор=али белгилаймиз.

Дастлаб бир омилли чизи=ли моделни кўрамиз. y =уйидаги чизи=ли функция ор=али ифодаланади:

$$\hat{y} = a_0 + a_1 x_1 \quad (1)$$

Бу формуладаги a_0 ва a_1 параметрларни олдинги боблардаги каби, нормал тенгламалар системасини ечиш ор=али ифодаланади. Нормал тенгламалар системаси бунда =уйдагича бўлади:

$$\begin{cases} na_0 + (\sum x_1)a_1 = \sum y \\ (\sum x_1)a_0 + (\sum x_1^2)a_1 = \sum yx_1 \end{cases} \quad (2)$$

Берилган жадвал асосида тенгламалар системасини тузамиз:

$$\begin{cases} 9a_0 + 54725a_1 = 11825 \\ 54725a_0 + 540789321a_1 = 98049159 \end{cases}$$

Бу тенгламалар системасидан модел коэффициентларини топамиз:

$$a_0 = 549.68 ; a_1 = 0.1257 .$$

Шундай =илиб модел кўриниши

$$\hat{y} = 549.68 + 0.1257x_1 \quad (3)$$

бўлади.

(3) тенгламани *регрессия тенгламаси* дейилади, a_1 -коэффициентни *регрессия коэффициенти* дейилади. y ва x_1 ми=дорлар орасидаги бо'ланиш кучини *корреляция коэффициенти*ни ҳисоблаш ор=али топилади:

$$r_{yx_1} = \sqrt{1 - \frac{s_{yx_1}^2}{s_y^2}}, \quad (4)$$

бу ерда s_y -у танланманинг ўртача квадратик четланиши ва у = уийдаги формула билан топилади:

$$s_y = \sqrt{\frac{\sum (y - \bar{y})^2}{n}}$$

бу ерда $\bar{y}$ -у миёдорларнинг ўртача арифметик ғиймати.

s_{yx_1} -(3) тенгламанинг n-2 озодлик даражалари бўйича ўртача квадратик хатоси:

$$s_{yx_1} = \sqrt{\frac{\sum (y - \hat{y})^2}{n - 2}},$$

бу ерда $\hat{y}$ - (3) модел бўйича ҳисобланган озиёоват харажатларининг ғиймати.

Олдинги боблардаги каби ҳисоблашлар бажарилса, уийдагилар ҳосил бўлади

$s_y^2 = 454070$, $s_{yx_1}^2 = 63846$, бундан

$$r_{yx_1} = \sqrt{1 - \frac{63846}{454070}} = 0.927$$

r_{yx_1} нинг ғиймати кўрсатадики, озиёоват харажатлари ва киши бошига даромадлар кучли боғланишга эга экан.

Юёоридаги моделда эластиклик коэффиценти уийдаги формула билан топилади:

$$\varepsilon_{yx_1} = \frac{a_1 \bar{x}_1}{\bar{y}} \quad (5)$$

Бизнинг мисолда $\bar{x}_1 = 6080,6$; $\bar{y} = 1313,9$. У ҳолда

$$\varepsilon_{yx_1} = \frac{0,1257 \cdot 6080,6}{1313,9} = 0,58$$

Бундан даромадни 1% кўтарилиши озиёоват харажатларининг 0,58% фоизга ошишини кўрсатади.

Энди ози=-ов=ат харажатларини даромад (x_1) ва оила аъзолари (x_2) сонига боʻли= бўлган икки омилли чизи=ли моделни кўрамиз. Модел кўриниши =уйидагича бўлади:

$$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 \quad (6)$$

a_0, a_1, a_2 параметрлар куйидаги тенгламалар системасини ечиш ор=али топилади:

$$\begin{cases} n a_0 + (\sum x_1) a_1 + (\sum x_2) a_2 = \sum y \\ (\sum x_1) a_0 + (\sum x_1^2) a_1 + (\sum x_1 x_2) a_2 = \sum y x_1 \\ (\sum x_2) a_0 + (\sum x_1 x_2) a_1 + (\sum x_2^2) a_2 = \sum y x_2 \end{cases} \quad (7)$$

Берилган статистик маълумотлар асосида =уйидаги тенгламалар системасини ҳосил =иламиз:

$$\begin{cases} 9a_0 + 54725a_1 + 27,9a_2 = 11825 \\ 54725a_0 + 540789321a_1 + 194341,8a_2 = 98049159 \\ 27,9a_0 + 194341,8a_1 + 92,1a_2 = 40391,7 \end{cases}$$

Бу тенгламалар системасини ечсак,

$$a_0 = 18,63; a_1 = 0,0985; \text{ u } (x)$$

бўлади ва у ҳолда (6) модел =уйидагича ифодаланади:

$$y = 18,63 + 0,0983x_1 + 224,6x_2$$

Боʻланиш кучини ани=лаш учун олдин =уйидаги корреляция коэффициентлари топилади:

$$r_{yx_1}, r_{yx_2}, r_{x_1x_2}$$

Корреляция коэффициентлари топилгандан сўнг =уйидагича кўп омилли корреляция коэффициенти топилади:

$$r_{yx_1x_2} = \sqrt{\frac{r_{yx_1}^2 + r_{yx_2}^2 - 2r_{yx_1} \cdot r_{yx_2} \cdot r_{x_1x_2}}{1 - r_{x_1x_2}^2}}$$

Бизнинг мисолимиздаги ҳисоблашларни бажарилса, $r_{yx_1x_2} = 0,983$ бўлади. Бундан ози=-ов=ат харажатларини даромад ва оила аъзолари сонига боʻли=лиги ю=ори эканлиги келиб чи=ади.

Кўп омилли моделларда айрим омилларнинг таъсирини хусусий эластиклик коэффициентларини топиш ор=али ани=лаш мумкин:

$$\mathcal{E}_{yx_1(x_2)} = \frac{a_1 \bar{x}_1}{\bar{y}}, \quad \mathcal{E}_{yx_2(x_1)} = \frac{a_2 \bar{x}_2}{\bar{y}}, \quad (8)$$

Бизнинг мисолимизда $a_1 = 0,0985$; $a_2 = 224,6$; $\bar{y} = 1313,9$; $\bar{x}_1 = 6080,6$; $\bar{x}_2 = 3,1$. у ҳолда (8) формулага асосан,

$$\mathcal{E}_{yx_1(x_2)} = \frac{0,0985 \cdot 6080,6}{1313,9} = 0,456; \quad \mathcal{E}_{yx_2(x_1)} = \frac{224,6 \cdot 3,1}{1313,9} = 0,53.$$

Бундан, оила аъзоларининг сони ўзгармаганда даромад 1%га ошиши ози-ов-ат харажатларининг 0,456%га кўпайишига, оила аъзоларининг сони 1 тага ортиши эса, ози-ов-ат харажатларининг 0,53% фоизга ошишига олиб келади.

Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосидаги моделлар.

Омиллар орасидаги боғланишлар доимо чизиqli бўлавермайди. Шу ну=таи назардан мутахассисларга маълум бўлган Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ха=ида мулоҳаза юритамиз.

Айтайлик, у-ишлаб чиқариш индекси, К-асосий капитал индекси ва L-меҳнат индексини билдирсин. Американинг 1899-1922 йиллардаги айта ишлаш саноати бўйича ю=оридаги катталиклар учун Кооб ва Дуглас =уйидаги маълумотлар жадвалини тузган. (9.1- жадвал) [Paul H.Douglas, *The Theory of Wages*.-New York, 1934]:

9.1-жадвал

Йил	Y	K	L	Йил	y	K	L
1899	100.0	100.0	100.0	1912	177.0	226.0	155.0
1900	101.0	107.0	104.8	1913	184.0	236.0	156.2
1901	112.0	114.0	110.0	1914	189.0	244.0	152.2
1902	122.0	122.0	117.2	1915	189.0	266.0	155.8
1903	124.0	131.0	121.9	1916	225.0	298.0	183.0
1904	122.0	138.0	115.6	1917	227.0	335.0	197.5
1905	143.0	149.0	125.0	1918	223.0	366.0	201.1
1906	152.0	163.0	134.2	1919	218.0	387.0	195.9

1907	151.0	176.0	139.9	1920	231.0	407.0	194.4
1908	126.0	185.0	123.2	1921	179.0	417.0	146.4
1909	155.0	198.0	142.7	1922	240.0	431.0	160.5
1910	159.0	208.0	147.0				
1911	153.0	216.0	148.1				

Жадвалдаги маълумотлар асосида =илинган ҳисоб-китоблар =уйидаги натижаларни беради: $a = 0.956$; $\alpha = 0.245$; $\beta = 0.767$; $R^{*2} = 0.95$. Демак, $\alpha + \beta \approx 1$ тенглик бажарилмо=да.

Ишлаб чи=ариш саноатининг ривожланиш =онуниятларини башорат =илиш ма=садида, жадвалдаги берилганларга таянган ҳолда, у ва K, L орасидаги бо=ланишни

$$y = a K^{\alpha} L^{\beta}, \quad \alpha > 0, \quad \beta > 0 \quad (9)$$

кўринишда изланади. Масала ю=оридаги жадвал берилганларга кўра номаълум a, α ва β ларни сонли =ийматини топишдан иборат. (9) кўринишдаги функциялар ҳозирги пайтда Кобб-Дуглас функцияси номи билан машҳур бўлиб, кўриниб турибдики, у чизи=ли функция эмас. Масалани соддалаштириш учун (9)ни ҳар икки томонини логарифмласак,

$$\ln y = \ln a + \alpha \ln K + \beta \ln L \quad (10)$$

кўринишни ҳосил =иламиз. Агар $\alpha + \beta = 1$ $\ln y = Z$, $\ln K = x_1$, $\ln L = x_2$ белгиласак, (10) =уйидаги кўринишга келади:

$$Z = c + \alpha x_1 + \beta x_2$$

a, β, c ларни топиш учун энг кичик квадратлар усулини =ўлласак,

$$a \approx 0.956, \quad \alpha = 0.245, \quad \beta = 0.767 \text{ бўлади.}$$

Шундай =илиб Кобб-Дуглас моделини кўриниши

$$y = 0.956 K^{0.245} L^{0.767}$$

бўлар экан.

CES-функциясини ночизи=ли энг кичик квадратлар

усули бўйича баҳолаш

Ю=орида кўрилган Кобб-Дуглас функцияси билан бирга ресурсларни алмашишнинг ўзгармас эластиклиги функциясидан (CES-функция-constant elasticity of substitution) ҳам турли тад=и=отларда фойдаланилади. Бу функциянинг умумий кўриниши:

$$y = a_0 \left(\sum_{i \in I} a_i x_i^{-\rho} \right)^{-\frac{1}{\rho}}, \quad a_i > 0, i \in I,$$

бунда $\rho = \frac{1 - \sigma}{\sigma}$ бўлиб, $\rho > 0$ бўлганда $0 < \sigma < 1$, $-1 < \rho < 0$ бўлганда эса $\sigma > 1$ бўлади. CES-функцияни ўрганиш учун икки факторли макроэкономик функция деб юритиладиган

$$y = a_0 (a_1 K^\rho + a_2 L^\rho)^{\frac{1}{\rho}}, \quad a_0 > 0, a_1 > 0, a_2 > 0$$

функцияни кўрамыз. Бу функция 1961 йилда К.Эрроу, Х.Ченери, Б.Минал ва Р.Солоу томонидан киритилган. Кўпинча $a_i + a_j = 1, a_i > 0, a_j > 0$, бўлган ҳол и=тисодий жараёнларда учрайди. Биз кейинги мулоҳазаларда шу шарт бажарилган деб =араймиз. (=улайлик учун $a_0 = a, a_1 = \delta, a_2 = 1 - \delta$ деб белгилаймиз). У ҳолда илмий-техник тара==иётни ҳисобга олинса, CES-функция =уйидагича ё илади:

$$y = a e^{\alpha} \left(\delta K^{-\rho} + (1 - \delta) L^{-\rho} \right)^{-\frac{1}{\rho}} \quad (1)$$

Маълумки, ва=тинча алмашиш эластиклиги $y = F(K, L)$ чизи=ли бир жинсли ишлаб чи=ариш функцияси учун =уйидагича топила эди:

$$\epsilon = \left(\frac{\partial F}{\partial L} \cdot \frac{\partial F}{\partial K} \right) / \left(F \cdot \frac{\partial^2 F}{\partial K \partial L} \right) \quad (2)$$

Кобб-Дуглас функцияси учун $\delta = 1$ CES-функция учун эса $\delta = \frac{1}{1 + \rho}$. Шундай =илиб, CES-функцияси учун $\delta \neq 1$ ва шунингдек, Кобб-Дуглас функцияси каби ўзгармасдир.

Агар $\rho \rightarrow 0$ бўлса, $\sigma \rightarrow 1$, яъни биз Кобб-Дуглас функциясига келамиз. Демак, CES-функция Кобб-Дуглас функциясининг умумлашган варианты экан.

(1) формулани логарифмланса ҳам у чизи=ли бўлмаган функцияни ифодалайди. Шунинг учун унинг параметрларини нозичи=ли дастурлаш усуллари ёрдамида ани=ланади. Ҳозирги пайтда уларни энг кичик квадратлар усули ёрдамида баҳолашда компьютер техникасидан кенг фойдаланилмо=да.

CES-функциясини логарифмлаш ёрдамида =уйидаги кўринишга келтирилади:

$f_i = \ln y_i = \ln \alpha + \lambda(i-1) + \frac{\sigma}{\sigma-1} \ln (\alpha K_i^\sigma + (1-\sigma)L_i^\sigma) + F_i$ бу ерда $y_i, K_i, L_i, = 1, 2, \dots, m$, -
кузатиш натижалари, $\sigma = \frac{1-\sigma}{\sigma}$, F_i - олди=.

$$S = \sum_{i=1}^n F_i^2$$

Энг кичик квадратлар усулига кўра минималлаштирилади.

Асосий мавзулар

- И=тисодий-математик усуллар; башоратлаш усуллари; башоратлаш муддатлари.
- Истеъмол функциясини баҳолаш; регрессион анализ методлари; чизи=ли регрессион анализ; энг кичик квадратлар усули.
- Кобб-Дуглас ишлаб чи=ариш функциясини регрессион таҳлил усули энг кичик квадратлар усули ёрдамида баҳолаш.
- CES-функциясини очизи=ли энг кичик квадратлар усули бўйича баҳолаш.

Таянч иборалар, формулалар

- Эконометрия, эконометрик модел, башоратлаш, экстраполяция, башоратлаш турлари, энг кичик квадратлар усули, корреляция коэффициенти, эластиклик коэффициенти;

$$\sum_{k=1}^n [y_k - (\alpha + \lambda x_k)]^2 \rightarrow \min$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial \alpha} = -2 \sum_{k=1}^n [y_k - \alpha - \lambda x_k] = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial \lambda} = -2 \sum_{k=1}^n [y_k - \alpha - \lambda x_k] x_k = 0 \end{cases}$$

- нормал тенгламалар системаси,
- чизи=ли регрессия тенгламаси, $y = \alpha + \lambda x$
- Кобб-Дуглас функцияси, $y = aK^\alpha L^\beta$, $\alpha > 0$, $\beta > 0$

$$y = \alpha_0 \left(\sum_{i \in I} \alpha_i x_i^{-\sigma} \right)^{-\frac{1}{\sigma}}$$

- CES-функция,
, $\alpha_i > 0$, $i \in I$

Саволлар:

- Эконометрия деб нимага айтилади?

- Башоратлаш усуллари таърифланг?
- Экстраполяция усули деб нимага айтилади?
- Корреляцион-регрессион усуллари таърифланг?
- Энг кичик квадратлар усули ва унинг мохиятини таърифланг?
- Эконометрик моделларга мисоллар келтиринг?
- Корреляция коэффициенти таърифланг?
- CES-функциясини хоссаларини айтинг

Машилар

1. Тасодифий равишда 8 та оила танлаб олинди. Шу оилага тегишли маълумотлар олинди:

1. оила аъзосига тўри келган бир ойлик ўртача даромад (x сўм);
2. оила аъзолари сони (y);
3. бир ойда ўртача жон бошига истеъмол қилинган гўшт (z-кг).

X	70	85	90	100	125	150	130	160
Y	4	4	3	3	2	2	1	1
Z	3	3,3	4,2	5	4,5	6,8	6,2	7

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида регрессия тенгламасини $z = \alpha_0 + \alpha_1 x + \alpha_2 y$ кўринишда топинг.

2. Маълумотлар жадвалда Ўзбекистон Республикасида истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича статистик маълумотлар берилган:

	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.
Истеъмол моллари (миллион сўм)	24,7	178,3	1883,3	26873,7	77361,0

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида регрессия тенгламасини

$y = ax^2 + bx + c$ кўринишда топинг. Берилган жадвал маълумотларини ва унга мос квадрат функция графигини чизинг.

3. Кобб-Дуглас ишлаб чи=ариш функцияси учун алмаштиришнинг эластиклик коэффициенти топинг.

4. +уйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси =ишло= хўжалигини ривожлантириш бўйича статистик маълумотлар келтирилган:

	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.
Донли экин майдонлари (минг га)	1079,9	1212,2	1280,3	1522,2	1656,5
Дон ишлаб чи=ариш (минг т)	1908,2	2257,2	2142,4	2466,9	3215,3
Гўшт ишлаб чи=ариш (минг т)	491,8	469,2	503,6	509,2	523,5

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида гўшт ишлаб чи=аришни (y) донли экин майдонлари (x_1) ва дон ишлаб чи=аришга (x_2) бо'ловчи икки параметрли регрессия тенгламасини $y = a_1x_1 + a_2x_2 + a_0$ кўринишда топинг.

5. +уйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сони ва структураси бўйича статистик маълумотлар келтирилган (минг киши):

	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.
Жами аҳоли	20863	21360	21853	22282	22690
Меҳнатга =обилиятли ёшда	10234	10463	10707	10963	11157
Меҳнатга =обилиятли ёшга =адар	9005	9239	9462	9604	9788
Меҳнатга =обилиятли ёшдан ошганлар	1624	1658	1684	1716	1745

Жадвалда чап устундаги катталикларнинг ўзгариш динамикасини ифодаловчи чизиqli регрессия тенгламаларини тузинг. Ўзаро корреляция коэффициентларини ҳисобланг. Модел параметрларини баҳоланг.

6. +уйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар фаолияти бўйича статистик маълумотлар берилган:

	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.
Жами корхоналар	128	288	644	1039	1235
Маҳсулот ишлаб чи=ариш ҳажми (млн сўм)	7,7	112,6	1708,1	7344,3	10561,4
Экспорт (млн А+Ш дол.)	34,8	23,0	17,6	73,1	81,2
Ишловчилар сони	9126	16604	25016	33618	40000

Экспорт ҳажмини учта параметр: ишловчилар сони, жами корхоналар ва маҳсулот ишлаб чи=аришга бўловчи чизиqli модел тузинг. Ишлаб чи=ариш ҳажми билан ишловчилар сони орасидаги корреляцияни ани=ланг.

10-Мавзу . Чизиqli программалаштириш масалалари.

Симплекс масаласи ва транспорт масалаларининг қўйилиши.

10.1. Чизиqli программалаш масаласининг умумий қўйилиши;

10.2. Симплекс усули;

10.3. Транспорт масаласи.

10.1. Чизиqli программалаш масаласининг умумий қўйилиши

Режа:

1) Чизиqli программалаш масаласининг умумий қўйилиши.

- 2) Чизикли программалаш масаласининг турли формада ифодаланиши.
- 3) Тенг кучли алмаштиришлар.
- 4) Чизикли программалаш масаласининг мумкин бўлган ечимлари. Таянч ечим.
- 5) Мумкин бўлган ечимлар тўпламининг қавариклиги.

Чизикли программалаш масаласи умумий ҳолда қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n \geq (\leq) \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n \geq (\leq) \mathbf{b}_2 \\ \dots \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n \geq (\leq) \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (1)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \quad (2)$$

$$\mathbf{Y}_{\min(\max)} = \mathbf{c}_0 + \mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 + \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n \quad (3)$$

(1) ва (2) шартларни қаноатлантирувчи номаълумларнинг шундай қийматларини топиш керакки, улар (3) чизикли функцияга минимал (максимал) қиймат берсин. Масаланинг (1) ва (2) шартлари унинг чегаравий шартлари деб, (3) чизикли функция эса масаланинг максади ёки максад функцияси деб аталади.

Масаладаги барча чегараловчи шартлар ва максад функция чизикли эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам (1)–(3) масала чизикли программалаш масаласи деб аталади.

Конкрет масалаларда (1) шарт тенгламалар системасидан, « $\geq$ » ёки « $\leq$ » кўринишдаги тенгсизликлар системасидан ёки аралаш системадан иборат бўлиши мумкин. Лекин кўрсатиш мумкинки, (1)–(3) кўринишдаги масалани осонлик билан қуйидаги кўринишга келтириш мумкин.

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_2 \\ \dots \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (4)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \quad (5)$$

$$\mathbf{Y}_{\min} = \mathbf{c}_0 + \mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 + \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n \quad (6)$$

(4)–(6) кўриниш чизикли программалаш масаласининг каноник кўриниши деб аталади. (4)–(6) масала векторлар ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{P}_1\mathbf{x}_1 + \mathbf{P}_2\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{P}_n\mathbf{x}_n = \mathbf{P}_0 \quad (7)$$

$$\mathbf{X} \geq 0 \quad (8)$$

$$\mathbf{Y}_{\min} = \mathbf{C}\mathbf{X} \quad (9)$$

бу ерда

$$\mathbf{P}_1 = \begin{pmatrix} \mathbf{a}_{11} \\ \mathbf{a}_{21} \\ \dots \\ \mathbf{a}_{m1} \end{pmatrix}, \quad \mathbf{P}_2 = \begin{pmatrix} \mathbf{a}_{12} \\ \mathbf{a}_{22} \\ \dots \\ \mathbf{a}_{m2} \end{pmatrix}, \quad \dots, \quad \mathbf{P}_n = \begin{pmatrix} \mathbf{a}_{1n} \\ \mathbf{a}_{2n} \\ \dots \\ \mathbf{a}_{mn} \end{pmatrix}, \quad \mathbf{P}_0 = \begin{pmatrix} \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{b}_2 \\ \dots \\ \mathbf{b}_m \end{pmatrix},$$

$C = (C_1, C_2, \dots, C_n)$ – вектор–қатор.

$X = (X_1, X_2, \dots, X_n)$ – вектор–устун.

(4)-(6) масаланинг матрица кўринишдаги ифодаси қуйидагича ёзилади:

$$AX = P_0, \quad (10)$$

$$X \geq 0, \quad (11)$$

$$Y_{\min} = CX, \quad (12)$$

бу ерда $C = (C_1, C_2, \dots, C_n)$ – қатор вектор, $A = (a_{ij})$ – (4) система коэффициентларидан ташкил топган матрица; $X = (X_1, X_2, \dots, X_n)$ ва $P_0 = (b_1, b_2, \dots, b_n)$ – устун векторлар.

(4)-(6) масалани йиғиндилар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин:

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} x_j = b_i, \quad (i = 1, \dots, m) \quad (13)$$

$$x_j \geq 0, \quad (j = 1, \dots, n) \quad (14)$$

$$Y_{\min} = \sum_{j=1}^n C_j X_j \quad (15)$$

1-таъриф. Берилган (4)–(6) масаланинг мумкин бўлган ечими ёки режаси деб, унинг (4) ва (5) шартларни қаноатлантирувчи $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ векторга айтилади.

2-таъриф. Агар (7) ёйилмадаги мусбат x_i коэффициентли P_i ($i=1, \dots, m$) векторлар ўзаро чизиқли боғлиқ бўлмаса, у ҳолда $X=(x_1, x_2, \dots, x_n)$ режа таянч режа деб аталади.

3-таъриф. Агар $X=(x_1, x_2, \dots, x_n)$ таянч режадаги мусбат компоненталар сони m га тенг бўлса, у ҳолда бу режа айнимаган таянч режа, акс ҳолда айниган таянч режа дейилади.

4-таъриф. Чизиқли функция (6) га энг кичик қиймат берувчи $X=(x_1, x_2, \dots, x_n)$ таянч режа масаланинг оптимал режаси ёки оптимал ечими дейилади.

Чизиқли программалаш масаласи устида қуйидаги тенг кучли алмаштиришларни бажариш мумкин.

1) $Y_{\max}$ ни $Y_{\min}$ га айлантириш. Ҳар қандай чизиқли программалаш масаласини (4)–(6) кўринишга келтириш учун (1) тенгсизликлар системасини тенгламалар системасига ва $Y_{\max}$ ни $Y_{\min}$ га айлантириш керак. $Y_{\max}$ ни $Y_{\min}$ га келтириш учун $Y_{\max}$ ни тескари ишора билан олиш, яъни - $Y_{\max} = Y_{\min}$ ёки $Y_{\max} = -Y_{\min}$ кўринишда олиш етарлидир.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай $f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ функциянинг минимуми тескари ишора билан олинган шу функция максимумининг қийматига тенг, яъни $\min f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ ва $-\max[f(x_1, x_2, \dots, x_n)]$, $\max f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ ва $-\min[f(x_1, x_2, \dots, x_n)]$ ифодалар номаълумларнинг бир хил қийматларидагина ўзаро тенг бўлишини кўрсатиш мумкин. 2) Тенгсизликларни тенгламага айлантириш. n номаълумли

$$a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n \leq b \quad (16)$$

чизиқли тенгсизликни қараймиз. Бу тенгсизликни тенгламага айлантириш учун унинг кичик томонига номанфий номаълум сонни, яъни $x_{n+1} \geq 0$ ни қушамиз. Натижада $n+1$ номаълумли чизиқли тенгламага эга бўламиз: $a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n + x_{n+1} = b$ (17)

(16) тенгсизликни тенгламага айлантириш учун қўшилган x_{n+1} ўзгарувчи қўшимча ўзгарувчи деб аталади. (16) тенгсизлик ва (17) тенгламанинг ечимлари бир хил эканлиги қуйидаги теоремада кўрсатилган.

5-таъриф. $A_1, A_2, \dots, A_n$ векторларнинг қавариқ комбинацияси деб шартларни қаноатлантирувчи

$$A = \alpha_1 A_1 + \alpha_2 A_2 + \dots + \alpha_n A_n$$

векторга айтилади. n -ўлчовли фазодаги ҳар бир $A = (a_1, a_2, \dots, a_n)$ векторга координаталари $(a_1, a_2, \dots, a_n)$ бўлган нуқта мос келади. Шунинг учун бундан кейин $A = (a_1, a_2, \dots, a_n)$ векторни n -ўлчовли фазодаги нуқта деб қараймиз.

6-таъриф. Агар n -ўлчовли вектор фазодаги C тўплам ўзининг ихтиёрий A_1 ва A_2 нуқталари билан бир қаторда бу нуқталарнинг қавариқ комбинациясидан иборат бўлган $A = \alpha_1 A_1 + \alpha_2 A_2$ ($\alpha_1 > 0, \alpha_2 > 0, \alpha_1 + \alpha_2 = 1$) нуқтани ҳам ўз ичига олса, яъни $A_1, A_2 \in C \Rightarrow A \in C$ бўлса, бу тўплам қавариқ тўплам деб аталади.

2-теорема. Чизикли программалаш масаласининг ечимларидан ташкил топган тўплам қавариқ тўплам бўлади.

Исботи. Чизикли программалаш масаласининг ихтиёрий иккита ечимининг қавариқ комбинацияси ҳам ечим эканлигини кўрсатамиз. Фараз қилайлик, x_1 ва x_2 берилган чизикли программалаш масаласининг ечимлари бўлсин. У ҳолда

$$AX_1 = P_0, \quad X_1 \geq 0, \quad (30)$$

$$\text{ва} \quad AX_2 = P_0, \quad X_2 \geq 0, \quad (31)$$

муносабатлар ўринли бўлади. Энди x_1 ва x_2 ечимларнинг қавариқ комбинациясини тузамиз.

$$X = \alpha x_1 + (1-\alpha)x_2, \quad 0 \leq \alpha \leq 1.$$

ҳамда уни ечим эканлигини кўрсатамиз:

$$AX = A[\alpha x_1 + (1-\alpha)x_2] = \alpha Ax_1 + (1-\alpha)Ax_2$$

Энди (30) ва (31) тенгламаларни инобатга олиб топамиз.

$$AX = \alpha P_0 + (1-\alpha)P_0 = P_0.$$

Бу муносабат X вектор ҳам ечим эканлигини курсатади.

3-теорема. Чизикли программалаш масаласининг чизикли функцияси ўзининг оптимал қийматига шу масаланинг ечимларидан ташкил топган қавариқ тўпламнинг четки нуқтасида эришади.

Агар чизикли функция K қавариқ тўпламнинг бирдан ортиқ четки нуқтасида оптимал қийматга эришса, у шу нуқталарнинг қавариқ комбинациясидан иборат бўлган ихтиёрий нуқтада ҳам ўзининг оптимал қийматига эришади (теоремани исботсиз қабул қиламиз).

4-теорема. Агар k та ўзаро чизикли боғлиқ бўлмаган $P_1, P_2, \dots, P_k$ векторлар берилган бўлиб, улар учун

$$P_1 x_1 + P_2 x_2 + \dots + P_k x_k = P_0$$

тенглик барча $x_i \geq 0$ лар учун ўринли бўлса, у ҳолда $X = (x_1, x_2, \dots, x_k, 0, \dots, 0)$ вектор K қавариқ тўпламнинг четки нуқтаси бўлади (теоремани исботсиз қабул қиламиз).

5-теорема. Агар $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ четки нуқта бўлса, у ҳолда мусбат x_i ларга мос келувчи векторлар ўзаро чизикли боғлиқ бўлмаган векторлар системасини ташкил қилади (теоремани исботсиз қабул қиламиз).

Юқорида келтирилган теоремалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1-хулоса. K тўпламнинг ҳар бир четки нуқтасига $P_1, P_2, \dots, P_n$ векторлар системасига m та ўзаро чизикли боғлиқ бўлмаган векторлар системаси мос келади.

2-хулоса. $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ K тўпламнинг четки нуқтаси бўлиши учун мусбат x_i компоненталар

$$P_1x_1 + P_2x_2 + \dots + P_nx_n = P_0$$

ёйилмада ўзаро чизиқли боғлиқ бўлмаган P_i векторларнинг коэффицентларидан иборат бўлиши зарур ва етарли.

3-хулоса. Чизиқли программалаш масаласи таянч ечимларидан ташкил топган тўплам K қавариқ тўпламнинг четки нуқталар тўпламига мос келади ва аксинча, ҳар бир таянч ечим K тўпламнинг бирор четки нуқтасига мос келади.

4-хулоса. Чизиқли программалаш масаласининг оптимал ечимини K тўпламнинг четки нуқталари орасидан қидириш керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Чизиқли программалаш масаласининг вектор формадаги умумий кўриниши қандай ёзилади?
2. Чизиқли программалаш масаласи матрица кўринишидаги ифодаси қандай ёзилади?
3. Чизиқли программалаш масаласини йиғиндилар ёрдамидаги ифодасини ёзинг.
4. «Чизиқли программалаш масаласининг мумкин бўлган ечими» деганда нимани тушунаси?
5. Чизиқли программалаш масаласининг таянч ечими нима?
6. Айниган ва айнимаган таянч ечимларни таърифланг.
7. Чизиқли программалаш масаласининг оптимал ечими нима?
8. Чизиқли программалаш масаласида қандай тенг кучли алмаштиришларни бажариш мумкин?
9. «Векторларнинг қавариқ комбинацияси» деганда нимани тушунаси?
10. Қавариқ тўпламни таърифланг.
11. Чизиқли программалаш масаласи ечимларидан ташкил топган тўплам қандай тўплам бўлади?
12. Ечимлардан ташкил топган қавариқ тўпламнинг четки нуқтаси билан таянч ечим орасида қандай боғланиш бор?
13. Мақсад функция ўзининг оптимал қийматига қандай нуққада эришади?

Симплекс жадвал қуйидаги кўринишда бўлади

Базис вект.	$C_{\text{баз}}$	P_0	C_1	C_2	...	C_m	C_{m+1}	...	C_k	...	C_n
			P_1	P_2	...	P_m	P_{m+1}	...	P_k	...	P_n
P_1	C_1	b_1	1	0	...	0	a_{1m+1}	...	a_{1k}	...	a_{1n}
P_2	C_2	b_2	0	1	...	0	a_{2m+1}	...	a_{2k}	...	a_{2n}
...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...
P_l	C_l	b_l	0	0	...	0	a_{lm+1}	...	a_{lk}	...	a_{ln}
...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...	...
P_m	C_m	b_m	0	0	...	1	a_{mm+1}	...	a_{mk}	...	a_{mn}
$y_j = Z_j - C_j$	...	$\sum_{i=0}^m y_0 = ? C_j$ b_j $i=0$	$\Delta_1 = 0$	$\Delta_2 = 0$	...	$\Delta_m = 0$	$\sum_{i=0}^m y_{m+1} = ? a_{im+1}$ $C_i - C_{m+1}$ $i=0$ 0	...	$\sum_{i=0}^m y_k = ? a_{ik}$ $C_i - C_k$ $i=0$ 0	...	$\sum_{i=0}^m y_n = ? a_{in}$ $C_i - C_n$ $i=0$ 0

Агар барча устунларда $y_j \leq 0$ бўлса $x = (x_1, x_2, \dots, x_m) = (b_1, b_2, \dots, b_m)$ ечим оптимал ечим бўлади. Бу ечимдаги чизиқли функциянинг қиймати y_0 га тенг бўлади.

Агар камида битта j учун $y_j \geq 0$ бўлса, ҳам масаланинг оптимал ечими топилмаган бўлади. Шунинг учун топилган ечимни оптимал ечимга яқин бўлган ечимга алмаштириш мақсадида базисга

$$\max_{y_j > 0} (y_j) = y_k = \Delta_k$$

шартни қаноатлантирувчи P_k векторни киритиш керак. Агар P_k базисга киритилса, эски базис векторлардан бирортасини базисдан чиқариш керак. Базисдан

$$\min_{a_{ik} > 0} (b'_i / a'_{ij}) = b_e / a_{ek}$$

шарт ўринли бўлган P_e вектор чиқарилади. Бу ҳолда a_{ek} элемент ҳал қилувчи элемент сифатида белгиланди. Шу элемент жойлашган j -қатордаги P_e вектор ўрнига у жойлашган устундаги P_k вектор базисга киритилади. P_e векторнинг ўрнига P_k векторни киритиш учун симплекс жадвал қуйидаги формулалар

$$\begin{cases} b'_i = b_i - (b_e / a_{ek}) \cdot a_{ik} \\ b'_e = b_e / a_{ek} \end{cases} \quad \text{ёки} \quad \begin{cases} x'_i = x_i - (x_e / x_{ek}) \cdot x_{ik} \\ x'_e = x_e / x_{ek} \end{cases}$$

$$\begin{cases} a'_{ij} = a_{ij} - (a_{ei} / a_{ek}) \cdot a_{ik} \\ a'_{ej} = a_{ej} / a_{ek} \end{cases} \quad \text{ёки} \quad \begin{cases} x'_{ij} = x_{ij} - (x_{ej} / x_{ek}) \cdot x_{ik} \\ x'_{ej} = x_{ej} / x_{ek} \end{cases}$$

асосида алмаштирилади.

Симплекс жадвал алмашгандан сўнг яна қайтадан Δ_j баҳолар аниқланади. Агар барча j лар учун Δ_j бўлса, оптимал ечим топилган бўлади. Акс ҳолда топилган ечим бошқа ечим билан алмаштирилади. Умуман бу жараён оптимал ечим топилгунча ёки масаланинг чекли оптимал ечими мавжуд эмаслиги

аниқлангунча такрорланади. Агар бирорта j учун $\Delta_j > 0$ бўлиб бу устундаги барча a_{ij} элементлар учун $a_{ij} \leq 0$ ($i=1, \dots, m$) шарт бажарилса, масаланинг мақсад функцияси чекли экстремумга эга бўлмайди.

Фараз қилайлик, симплекс жадвалда оптималлик шarti ($\Delta_j \leq 0$ $i=1, \dots, n$) бажарилсин. Бу ҳолда ечим

$$X = B^{-1}P_0$$

формула орқали топилади. Бу ерда $B = (P_1, P_2, \dots, P_m)$ матрица базис векторлардан ташкил топган матрицадир. (1)-(3) масала учун B матрица m ўлчовли бирлик матрица, ва $J_m B^{-1}$ матрица ҳам бирлик матрица бўлганлиги сабабли $X^0 = P^0 = (b'_1, b'_2, \dots, b'_m, 0, \dots, 0)$ оптимал ечим бўлади.

1-мисол. Масалани симплекс усул билан ечинг

$$\begin{cases} x_1 + 3x_2 - x_3 - 2x_5 = 7 \\ -2x_2 + 4x_3 + x_4 = 12 \\ -4x_2 + 3x_3 + 8x_5 + x_6 = 10 \end{cases}$$

$$x_j \geq 0, \quad (j=1, 2, \dots, 6)$$

$$Y_{\min} = x_2 - 3x_3 + 2x_5$$

Ечиш. Белгилашлар киритамиз ва симплекс жадвални тўлдирамиз

$$P_1 = \begin{pmatrix} 1 \\ 0 \\ 0 \end{pmatrix}, P_2 = \begin{pmatrix} 3 \\ -2 \\ -4 \end{pmatrix}, P_3 = \begin{pmatrix} -1 \\ 4 \\ 3 \end{pmatrix}, P_4 = \begin{pmatrix} 0 \\ 1 \\ 0 \end{pmatrix}, P_5 = \begin{pmatrix} -2 \\ 0 \\ 8 \end{pmatrix}, P_6 = \begin{pmatrix} 0 \\ 0 \\ 1 \end{pmatrix}, P_0 = \begin{pmatrix} 7 \\ 12 \\ 10 \end{pmatrix}$$

$$C = (0; 1; -3; 0; 2)$$

i	Базис вект.	C _{баз}	P ₀	0	1	-3	0	2	0
				P ₁	P ₂	P ₃	P ₄	P ₅	P ₆
1	P ₁	0	7	1	3	-1	0	-2	0
2	P ₄	0	12	0	-2	14	1	0	0
3	P ₆	0	10	0	-4	3	0	8	1
Δ_j			0	0	-1	3	0	-2	0
1	P ₁	0	10	1	5/2	0	1/4	-2	0
2	P ₃	-3	3	0	-1/2	0	1/4	0	0
3	P ₆	10	1	0	-5/2	0	-3/4	8	1
Δ_j			-9	0	1/2	0	-3/4	-2	0
1	P ₂	1	4	2/5	1	0	1/1	-4/5	0
2	P ₃	-3	5	1/5	0	1	3/1	-2/5	0
3	P ₆	10	11	1	0	0	-1/2	6	1
Δ_j			-11	-1/5	0	0	-1/2	-8/5	0

$\Delta_j \leq 0$. Оптимал ечим $x = (0; 4; 5; 0; 0; 11)$ $Y_{\min} = -11$.

Сунъий базис усули

Агар масаланинг шартларида ўзаро эркин бўлган m та бирлик векторлар (базис векторлар) қатнашмаса, улар сунъий равишда киритилади. Масалан, масала қуйидаги кўринишда берилган бўлсин:

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n \leq \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n \leq \mathbf{b}_2 \\ \text{---} \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n \leq \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (1)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \quad (2)$$

$$\mathbf{Y}_{\max} = \mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 + \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n \quad (3)$$

Бу масалага $\mathbf{x}_{n+1} \geq 0, \mathbf{x}_{n+2} \geq 0, \dots, \mathbf{x}_{n+m} \geq 0$ қўшимча ўзгарувчилар киритилса, қуйидаги кенгайтирилган масала ҳосил бўлади

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+1} = \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+2} = \mathbf{b}_2 \\ \text{---} \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+m} = \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (4)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \dots, \mathbf{x}_{n+m} \geq 0, \quad (5)$$

$$\mathbf{Y}_{\min} = -\mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 - \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 - \dots - \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n + 0(\mathbf{x}_{n+1} + \dots + \mathbf{x}_{n+m}) \quad (6)$$

Бу ҳолда $\mathbf{P}_{n+1}, \mathbf{P}_{n+2}, \dots, \mathbf{P}_{n+m}$ векторлар базис векторлар ва $\mathbf{x}_{n+1}, \mathbf{x}_{n+2}, \dots, \mathbf{x}_{n+m}$ ўзгарувчилар «базис ўзгарувчилар» деб қабул қилинади.

Агар берилган масала қуйидаги кўринишда бўлса:

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_2 \\ \text{---} \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n = \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (7)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \quad (8)$$

$$\mathbf{Y}_{\min} = \mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 + \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 + \dots + \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n \quad (9)$$

бу масалага сунъий $\mathbf{x}_{n+1}, \mathbf{x}_{n+2}, \dots, \mathbf{x}_{n+m}$ ўзгарувчилар киритиб қуйидаги кенгайтирилган масала ҳосил қилинади:

$$\begin{cases} \mathbf{a}_{11}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{12}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{1n}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+1} = \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{a}_{21}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{22}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{2n}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+2} = \mathbf{b}_2 \\ \text{---} \\ \mathbf{a}_{m1}\mathbf{x}_1 + \mathbf{a}_{m2}\mathbf{x}_2 + \cdots + \mathbf{a}_{mn}\mathbf{x}_n + \mathbf{x}_{n+m} = \mathbf{b}_m \end{cases} \quad (10)$$

$$\mathbf{x}_1 \geq 0, \mathbf{x}_2 \geq 0, \dots, \mathbf{x}_n \geq 0, \mathbf{x}_{n+1} \geq 0, \dots, \mathbf{x}_{n+m} \geq 0, \quad (11)$$

$$\mathbf{Y}_{\min} = -\mathbf{c}_1\mathbf{x}_1 - \mathbf{c}_2\mathbf{x}_2 - \dots - \mathbf{c}_n\mathbf{x}_n + \mathbf{M}(\mathbf{x}_{n+1} + \dots + \mathbf{x}_{n+m}) \quad (12)$$

бу ерда: $\mathbf{M}$ – етарлича катта мусбат сон.

Сунъий базис ўзгарувчиларига мос келувчи $\mathbf{P}_{n+1}, \mathbf{P}_{n+2}, \dots, \mathbf{P}_{n+m}$ векторлар «сунъий базис векторлар» деб аталади.

Берилган (7)-(9) масаланинг оптимал ечими куйидаги теоремага асосланиб топилади.

Теорема: Агар кенгайтирилган (10)-(12) масаланинг оптимал ечимида сунъий базис ўзгарувчилари нолга тенг бўлса, яъни:

$$\mathbf{x}_{n+i} = 0 \quad (i=1, \dots, m)$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда бу ечим берилган (7)-(9) масаланинг ҳам оптимал ечими бўлади.

Агар кенгайтирилган масаланинг оптимал ечимида камида битта сунъий базис ўзгарувчи нолдан фарқли бўлса, у ҳолда масала ечимга эга бўлмайди.

2-мисол. Масалани сунъий базис усули билан ечинг

$$\begin{cases} \mathbf{x}_1 + 3\mathbf{x}_2 + 2\mathbf{x}_3 + 2\mathbf{x}_4 = 3 \\ 2\mathbf{x}_1 + 2\mathbf{x}_2 + \mathbf{x}_3 + \mathbf{x}_4 = 3 \end{cases}$$

$$\mathbf{x}_j \geq 0, \quad (j=1, 2, \dots, 4)$$

$$\mathbf{Z}_{\max} = 5\mathbf{x}_1 + 3\mathbf{x}_2 + 4\mathbf{x}_3 - \mathbf{x}_4$$

Ечиш. Масалага сунъий $\mathbf{x}_5 \geq 0$ $\mathbf{x}_6 \geq 0$ ўзгарувчилар киритамиз ва уни нормал кўринишга келтирамиз.

$$\begin{cases} \mathbf{x}_1 + 3\mathbf{x}_2 + 2\mathbf{x}_3 + 2\mathbf{x}_4 + \mathbf{x}_5 = 3 \\ 2\mathbf{x}_1 + 2\mathbf{x}_2 + \mathbf{x}_3 + \mathbf{x}_4 + \mathbf{x}_6 = 3 \end{cases}$$

$$\mathbf{x}_j \geq 0, \quad (j=1, 2, \dots, 6)$$

$$\mathbf{Z}_{\min} = -5\mathbf{x}_1 - 3\mathbf{x}_2 - 4\mathbf{x}_3 + \mathbf{x}_4 + \mathbf{M}(\mathbf{x}_5 + \mathbf{x}_6)$$

Ҳосил бўлган масалани симплекс жадвалга жойлаштириб, уни симплекс усул билан ечамиз.

i	Базис вект.	$\mathbf{C}_{\text{баз}}$	$\mathbf{P}_0$	-5	-3	-4	1	M	M	A.K
				$\mathbf{P}_1$	$\mathbf{P}_2$	$\mathbf{P}_3$	$\mathbf{P}_4$	$\mathbf{P}_5$	$\mathbf{P}_6$	
1	$\mathbf{P}_5$	M	3	1	3	2	2	1	0	1
2	$\mathbf{P}_6$	M	3	2	2	1	1	0	1	1,5
Δ_j			6m	3m+5	5m+3	3m+4	3m-1	0	0	
1	$\mathbf{P}_2$	-3	1	1/3	1	2/3	2/3	1/3	0	3
2	$\mathbf{P}_6$	M	1	4/3	0	-1/3	-1/3	-2/3	1	s
Δ_j			M-3	M+4	0	M+3	M-2	M-1	0	
1	$\mathbf{P}_2$	-3	3/4	0	1	3/4	3/4	1/2	-1/4	1
2	$\mathbf{P}_1$	-5	3/4	1	0	-1/4	-1/4	-1/2	3/4	-
Δ_j			-6	0	0	3	-2	1-M	-3-M	
1	$\mathbf{P}_3$	-4	1	0	4/3	1	1	2/3	-1/3	
2	$\mathbf{P}_1$	-5	1	1	1/3	0	0	-1/3	2/3	
Δ_j			9	0	-4	0	-5	-1-M	-2-M	

Шундай қилиб симплекс усул бўйича 4-та қадамдан иборат яқинлашишда оптимал ечим топилди. $\Delta_j \leq 0$. Оптимал ечим $\mathbf{x}=(1;0;1;0;0;0)$ $\mathbf{Y}_{\min}=-9$.

Кенгайтирилган масаланинг оптимал ечимидаги сунъий ўзгарувчилар 0га тенг ($x_5=0$, $x_6=0$). Шунинг учун (теоремага асосан) берилган масаланинг оптимал ечими:

$$x=(1;0;1;0); \quad Z_{\min}=-9; \quad Z_{\max}=9; \quad \text{бўлади.}$$

Мавзу бўйича назорат саволлар

1. Данциг усули бўйича масаланинг чекли оптимал ечимга эга бўлмаслик шarti нимадан иборат?
2. Данциг усули бўйича ЧП масаласини бошланғич ечимининг оптимал бўлиш шarti нимадан иборат?
3. Сунъий базис усули қачон қўлланилади?
4. Қўшимча ўзгарувчилар билан сунъий ўзгарувчиларнинг фарқи нимадан иборат?
5. Сунъий базис вектор усули билан ечилганда ЧП масаласи қайси ҳолларда ечимга эга бўлмайди?

10.3. Чизикли программлаштиришнинг Транспорт масаласи

Транспорт масаласи – чизикли программлашнинг алоҳида хусусиятли масаласи бўлиб бир жинсли юк ташишнинг энг тежамли режасини тузиш масаласидир. Бу масала хусусийлигига қарамай қўлланиш соҳаси жуда кенгдир.

1. Масаланинг қўйилиши ва унинг математик модели

m -та A_i ($i = 1, 2, \dots, m$) таъминотчиларда йиғилиб қолган бир жинсли a_i миқдордаги маҳсулотни n -та B_j истеъмолчиларга мос равишда b_j ($j=1, 2, \dots, n$) миқдорда етказиб бериш талаб қилинади.

Ҳар бир i -таъминотчидан ҳар бир j -истеъмолчига бир бирлик юк ташиш йўл ҳаражати маълум ва у c_{ij} – сўмни ташкил қилади.

Юк ташишнинг шундай режасини тузиш керакки, таъминотчилардаги барча юклар олиб чиқиб кетилсин, истеъмолчиларнинг барча талаблари қондирилсин ва шу билан бирга йўл ҳаражатларининг умумий қиймати энг кичик бўлсин.

Масаланинг математик моделини тузиш учун i -таъминотчидан j -истеъмолчига етказиб бериш учун режалаштирилган юк миқдорини x_{ij} орқали белгилаймиз, у ҳолда масаланинг шартларини қуйидаги жадвал кўринишда ёзиш мумкин:

Таъминотчилар	Истеъмолчилар				Захиралар
	B_1	B_2	...	B_n	
A_1	c_{11} x_{11}	c_{12} x_{12}	...	c_{1n} x_{1n}	a_1
A_2	c_{21} x_{21}	c_{22} x_{22}	...	c_{2n} x_{2n}	a_2
...	...	...	...	...	...
A_m	c_{m1} x_{m1}	c_{m2} x_{m2}	...	c_{mn} x_{mn}	a_m

Талаблар	b_1	b_1	...	b_1	$?a_i = ?b_j$
----------	-------	-------	-----	-------	---------------

Жадвалдан кўринадики, i -таъминотчидан j -истеъмолчига режадаги x_{ij} – бирлик юк етказиб бериш йўл ҳаражати c_{ij} x_{ij} – сўмни ташкил қилади. Режанинг умумий қиймати эса,

$$Z = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n c_{ij} x_{ij}$$

га тенг бўлади.

Масаланинг биринчи шартига кўра, яъни барча юклар олиб чиқиб кетилиши шarti учун

$$\sum_{j=1}^n x_{ij} = a_i \quad (i = \overline{1, m})$$

тенгликларга эга бўламиз;

иккинчи шартга кўра, яъни барча талаблар тўла қондирилиши учун

$$\sum_{i=1}^m x_{ij} = b_j \quad (j = \overline{1, n})$$

тенгликларга эга бўламиз;

Шундай қилиб масаланинг математик модели қуйидаги кўринишни олади:

$$(1) \left\{ \begin{array}{l} \sum_{j=1}^n x_{ij} = a_i, \quad i = 1, 2, \dots, m \\ \sum_{i=1}^m x_{ij} = b_j, \quad j = 1, 2, \dots, n \end{array} \right.$$

чизиқли тенгламалар системасининг

$$(3) \quad x_{ij} = 0, \quad i=1,2,\dots,m; \quad j=1,2,\dots,n$$

шартларни қаноатлантирувчи шундай ечимини топиш керакки, бу ечим чизиқли функцияга энг кичик қиймат берсин.

$$Z = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n c_{ij} x_{ij} \Rightarrow \max$$

Бу моделда

тенглик ўринли деб фараз қилинади. Бундай масалалар «ёпиқ модели транспорт масаласи» дейилади.

Теорема. Талаблар ҳажми захиралар ҳажмига тенг бўлган исталган транспорт масаласининг оптимал ечими мавжуд бўлади.

2. Бошланғич таянч ечимни қуриш.

Маълумки, ихтиёрий чизиқли программалаш масаласининг оптимал ечимини топиш жараёни бошланғич таянч ечимини қуришдан бошланади.

Масаланинг (1) ва (2) системалари биргаликда mn – та номаълумли $m+n$ – та тенгламаларда иборат. Агар (1) системанинг тенгламаларини ҳадма-ҳад қўшсак, ва алоҳида (2) системанинг тенгламаларини ҳадма-ҳад қўшсак, иккита бир хил тенглама ҳосил бўлади. Бу эса (1) ва (2) дан иборат системада битта

чизиқли боғлиқ тенглама борлигини кўрсатади. Бу тенглама умумий системадан чиқариб ташланса, масала $m+n-1$ та чизиқли боғлиқ бўлмаган тенгламалар системасидан иборат бўлиб қолади. Демак, масаланинг бузилмайдиган таянч ечими $m+n-1$ та мусбат компоненталардан иборат бўлади.

Шундай қилиб, транспорт масаласининг бошланғич таянч ечими бирор усул билан топилган бўлса, (x_{ij}) – матрицанинг $m+n-1$ та компоненталари мусбат бўлиб, қолганлари нолга тенг бўлади. Агар транспорт масаласининг шартлари ва унинг таянч ечими юқоридаги жадвал кўринишда берилган бўлса, нолдан фарқли x_{ij} – лар жойлашган катаклар «банд катаклар», қолганлари «бўш катаклар» дейилади.

Агар банд катакларни вертикал ёки горизонтал кесмалар билан туташтирилганда ёпиқ кўпбурчак ҳосил бўлса, бундай ҳол циклланиш дейилади ва ечим таянч ечим бўлмайди. Демак, бирорта ечим таянч ечим бўлиши учун банд катаклар сони $m+n-1$ та бўлиб циклланиш рўй бермаслиги керак.

Шимолий-ғарб усули.

Транспорт масаласи жадвал кўринишида берилган бўлсин. Йўл харажатларини ҳисобга олмай B_1 истеъмолчининг талабини A_1 таъминотчи ҳисобига қондиришга киришамиз. Бунинг учун a_1 ва b_1 юк бирликларида кичигини A_1B_1 катакнинг чап пастки бурчагига ёзамиз. Агар $a_1 < b_1$ бўлса, B_1 нинг эҳтиёжини тўла қондириш учун A_2B_1 катакка етишмайдиган юк бирлигини A_2 дан олиб ёзамиз ва ҳ.к. Бу жараёни A_mB_n катакка етгунча давом этдирамиз. Агар (5) шарт ўринли бўлса, бу усулда тузилган ечим албатта таянч ечим бўлади.

1-мисол. Транспорт масаласининг бошланғич ечимини топинг.

Таъминотчилар	Истеъмолчилар					Захира хажми
	B_1	B_2	B_3	B_4	B_5	
A_1	10 100	7	4	1	4	100
A_2	2 100	7 150	10	6	11	250
A_3	8	5 50	3 100	2 50	2	200
A_4	11	8	12	16 50	13 250	300
Талаб хажми	200	200	100	100	250	

Минимал қиймат усули.

Бу усулда бошланғич ечим куриш учун аввал йўл ҳаражати энг кичик бўлган катакка a_i ва b_j лардан кичиги ёзилади ва кейинги энг кичик қийматли катакка ўтилади ва ҳ.қ. Бу усулда тузилган бошланғич ечимни бузилмаслик ва цикллинишга текшириш шарт.

2-Мисол. Минимал қиймат усули билан бошланғич ечимни топинг.

Таъминотчилар	Истеъмолчилар					Захира хажми
	B ₁	B ₂	B ₃	B ₄	B ₅	
A ₁	10	7	4	1 100	4	100
A ₂	2 200	7 50	10	6	11	250
A ₃	8	5	3	2	2 200	200
A ₄	11	8 150	12 100	16	13 50	300
Талаб хажми	200	200	100	100	250	

3. Оптимал ечим қуришнинг потенциаллар усули

Теорема: Агар транспорт масаласининг $X^*=(x_{ij}^*)$ ечими оптимал бўлса, унга қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $m+n$ -та сонлар системаси мос келади:

$$\begin{aligned} X_{ij}^* > 0 & \text{ лар учун} & U_i^* + V_j^* = C_{ij} \\ X_{ij}^* = 0 & \text{ лар учун} & U_i^* + V_j^* \leq C_{ij} \\ i=1,2,\dots,m; & & j=1,2,\dots,n. \end{aligned}$$

U_i^* ва V_j^* сонлар мос равишда «таъминотчи ва истеъмолчиларнинг потенциаллари» дейилади.

Бу теоремага кўра бошланғич таянч ечим оптимал бўлиши учун қуйидаги икки шарт бажарилиши керак:

а) ҳар бир банд катак учун мос потенциаллар йиғиндиси шу катакдаги йўл ҳаражати қийматига тенг бўлиши керак:

$$U_i^* + V_j^* = C_{ij} \quad (6)$$

б) ҳар бир бўш катак учун мос потенциаллар йиғиндиси шу катакдаги йўл ҳаражати қийматидан катта бўлмаслиги керак:

$$U_i^* + V_j^* \leq C_{ij} \quad (7)$$

Агар камида битта бўш катак учун (7) шарт бажарилмаса, кўрилатган ечим оптимал бўлмайди ва бу ечимни базисга (7) шарт бузилган катакдаги номаълумни киритиш билан яхшилаш мумкин.

Шундай қилиб навбатдаги таянч ечимни оптималликка текшириш учун аввал (6) шарт ёрдамида потенциаллар системаси қурилади ва сўнгра (7) шартнинг бажарилиши текширилади.

4. Потенциаллар усулининг алгоритми

1. Бошланғич таянч ечимни қуриш;
2. (6) шарт асосида потенциаллар системасини қуриш; бунда $m+n-1$ та банд катак учун $m+n$ -та чизикли тенглама ҳосил бўлади. Номальумлар сони тенгламалар сонидан битта ортиқ бўлгани учун битта номальум эркин бўлиб унга ихтиёрий қиймат, масалан ноль қиймати берилиб қолганлари мос тенгламалардан топилади;
3. Бўш катаклар учун (7) шарт текширилади;
 - а) бу шарт барча бўш катаклар учун бажарилса, ечим оптимал бўлади ва ечиш жараёни тугайди;
 - б) акс ҳолда ечим оптимал бўлмайди ва кейинги ечимга ўтишга киришилади;
4. Кейинги ечимга ўтиш учун (7) шарт бузилган катакларнинг ўнг паст бўрчагига $z_{ij} = U_i + V_j - C_{ij}$ қийматлар ёзиб чиқилади ва бу қийматларнинг энг каттаси мос келган катакка «+» ишора қўйилади. «+» ишора қўйилган катакдан бошлаб банд катаклар орқали цикл қурилади, яъни учлари банд катакларда ётган ёпиқ кўпбурчак ҳосил қилинади. Бу кўпбурчакнинг учларига бўш катакдаги «+» дан ихтиёрий йўналишда «-» ва «+» ишоралари қўйиб чиқилади. «-» ишорали катаклардаги юк бирликларидан энг ками танланади ва шу миқдор барча «-» ишорали катаклардан айирilib, «+» ишорали катакларга қўшилади, натижада янги таянч ечим ҳосил бўлади.

Бу жараён чекли сонда қайтарилгандан сўнг албатта оптимал ечим ҳосил бўлади.

Бу алгоритмни қуйидаги мисолда батафсил кўриб чиқамиз: (охирги жадвалдаги ечим давом этдирилади).

5. Очиқ моделии транспорт масаласи

Юқорида талаб ва таклифларнинг умумий миқдорлари тенг бўлганда масала «ёпиқ моделии транспорт масаласи» дейилади, деган эдик. Акс ҳолда масала очик моделии бўлиб унинг оптимал ечимини топиш учун ёпиқ моделга келтирилади ва потенциаллар усули қўлланилади.

Очиқ моделии масалани ёпиқ моделга келтириш учун қўшимча «сохта» таъминотчи ёки истеъмолчи киритилади, уларнинг захираси ёки талаб ҳажми

$a_{m+1} = \sum b_j - \sum a_i$ ёки $b_{n+1} = \sum a_i - \sum b_j$ бўлади. Сохта

таъминотчидан реал истеъмолчиларга ёки реал таъминотчилардан сохта истеъмолчиларга амалда юк ташилмагани учун йўл харажатлари нолга тенг қилиб олинади ($C_{i,n+1} = 0$; $C_{m+1,j} = 0$).

Натижада ёпиқ моделии масала ҳосил бўлади.

3-мисол: $\sum a_i > \sum b_j$ – бўлган ҳол, учун масалани ечинг.

Таъминотчилар	Истеъмолчилар						Захира ҳажми
	B_1	B_2	B_3	B_4	B_5	B_{n+1}	
A_1	10	7	4	1	4	0	100

A_2	2	7	10	6	11	0	250
A_3	8	5	3	2	2	0	200
A_4	11	8	12	16	13	0	300
Талаб ҳажми	200	150	100	100	200	100	

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Транспорт масаласининг математик моделини ёзинг.
2. Очiq ва ёпиq модели транспорт масалаларига изоҳ беринг.
3. Ёпиq модели транспорт масаласининг ечими мавжуд бўлишини зарур ва етарлиқ шarti нимада иборат?
4. Потенциаллар нима ва қандай маънога эга?
5. Потенциал тенглама нима ва у қандай ёзилади?
6. ТМ ечимининг оптималлиқ шarti нимадан иборат?
7. Очiq модели ТМ қандай қилиб ёпиq модели масалага айлантирилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гафуров М., Холмуродов М., Хусанов К., Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. Тошкент: 2001й
2. Гуломов С.С., Махмудов Н.М. Исмоилов А.А., Бозор иқтисодиёти моделлари. Т: 1995й.
3. Anthony M., Biggs N. Mathematics for economics and finance. Methods and modelling. Cambridge, 1998.
4. Замков О.О. и др. Математическая методи в экономике. М:, 1999.
5. Банди Б. Основы линейного программирования.-М:Радио и связь.1989
6. Бадалов Ф.Б Оптималлаш назарияси ва математик программалаш.-Т: Ўқитувчи.1989
7. Кузнецов. Ю.М, Кузубов В.И, Волохенко А.Б Математическое программирования.-М: Вўсшая школа 1980
8. Сафаева К.Бекназаров Н. Операцияларни текширишнинг математик усуллари.1-қисм.Т:Ўқитувчи.1984 .2-қисм Т:Ўқитувчи 1990.